БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 23 (18.799). • Жума, 1984 йил 27 январь • Баҳоси 3 тийин.

МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

АДИРЛАР УЧУН СУВ

● «Наманганводстрой» трестининг Косонсойдаги механизациялашган кўчма колоннаси коллективи янги насос станциясини белгиланган муддатдан ярим йил олдин фойдаланишга топширди. Ана шу насос станцияси ёрдами билан Косонсой районидаги 3 та хўжаликнинг пахта майдонларига Катта Наманган каналидан ҳар секундда бир кубометрдан сув чиқарилади. Тоғ этагида жойлашган Ертикан массивида ўзлаштирилган минг гектардан зиёд ерни сув билан таъминлаш яхшиланади.

МАВСУМГА ТАХТ

● Пахтакор районидаги «Пахтакор» совхозида барча машина-механизмлар мавсумга тахт қилиб қўйилди. Ремонт ишларининг марказлаштирилганлиги ва ихтисослашган бригадаларнинг тузилганлиги бунга кўп жиҳатдан ёрдам берди. Ремонт ишлари муддатидан ярим ой илгари тугалланди.

САЙЛОВ ШАРАФИГА

● Самарқанд химия заводи ремонт-механика цехининг В. Кириенко бошлиқ слесарлар бригадаси янги мосламани ишлаб чиқди ва уни ишлаб чиқаришга жорий этди. Насосларни механизмлар воситасида қисмларга ажратадиган ва йиғадиган янги мослама ёрдамида электр машиналарини тиклашда меҳнат унумдорлигини 1,5 процент ошириш имконияти туғилди.

Бригада аъзолари 1984 йилнинг тўрт ойлик планини СССР Олий Советига ўтказиладиган сайлов кунигача бажариш мажбуриятини олди.

1984 йил 4 март СССР олий Советига САЙЛОВ

ХАЛҚ ИШОНЧИ

Мамлакатда округ сайловолди кенгашлари давом этмоқда. Кенгаш қатнашчилари ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлиларнинг энг яхши вакиллари СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилганлигини якдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар.

Округ кенгашларида Москва «Смена» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи мотористи **Лариса Васильевна Шарова**, Приморье ўлкасидаги «Россия» колхозининг бузоқ боқувчиси **Галина Иннокентьевна Лихоманова** номзодлари қўллаб-қувватланди.

Округ сайловолди кенгашларида СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар — Гомелдаги «8 Март» пайпоқтрикотаж фабрикасининг тўқувчиси **Ольга Яковлевна Копитко**, Каунасдаги «Дробе» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси **Валерия Мечиславовна Аксамитаускене**, Молдавия ССРдаги «КПСС XXII съезди» колхозининг механизатори **Михаил Семенович Цуркан**, КПСС XXVI съезди номидаги микроавтобуслар заводининг фрезерчиси **Евгений Николаевич Соколов**, Толас область «Нарингидроэлектрострой» қурилиш бошқармаси монтажчи слесарларининг бригадири **Мамасоли Собиров**, Тожикистондаги «Ҳаёти нав» совхози чорвачилик бригадасининг бошлиғи **Сониябиби Ҳушвақтовна Муҳаббатова**, Эстония ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Арнольд Федорович Рюйтель**, Эстониядаги «Вяйке-Маарья» колхози сутчилик комплексининг бригадири **Ильме Акселевна Риккен** номзодлари ҳам қувватланди.

(ТАСС).

* * *

Ўзбекистонда ўтаётган округ сайловолди кенгашларининг қатнашчилари меҳнат коллективларининг СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи 561-Кўнғирот сайлов округидан Қорақалпоғистон АССР, Кўнғирот районидаги Чапаев номли совхоз директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Ўнғарбой Қурбониёзовни**;

СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи 558-Амударё сайлов округидан Қорақалпоғистон АССР Амударё районидаги «Ленинизм» колхозининг механизатори **Гулзеби Тожимовани**;

СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи 98-Ленин сайлов округидан Андижон область, Қўрғонтепа районидаги «Савай» совхоз-техникумининг сут соғувчиси **Зулфияхон Муқимовна Орзиевани**;

СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи 107-Чортоқ сайлов округидан Наманган область, Косонсой районидаги «Дўстлик» совхозининг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Абдусаттор Шариповни**;

СССР Олий Совети Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи 607-Чирчиқ сайлов округидан СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари **Георгий Маркович Корниенкони** СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар қилиб кўрсатиш тўғрисидаги қарорларни якдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

Сайловолди кенгашларининг қатнашчилари депутатликка номзодларга мурожаат қилиб, ана шу округлардан овозга қўйилишга розилик беришларини сўради.

(ЎзТАГ).

УЮШҚОҚЛИК ва ТАРТИБ — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРдан СССР ОЛИЙ СОВЕТИ МИЛЛАТЛАР СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

Республикада мамлакат давлат ҳокимияти олий органига ўтказиладиган сайловга тайёргарлик кенг авж олиб кетди. Ўзбекистон ССРдан СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи сайлов комиссияси 26 январь куни Тошкентда бўлиб ўтган ўзининг навбатдаги мажлисида ана шу муҳим сиёсий кампанияни ўтказиш билан боғлиқ бир қанча масалаларни кўриб чиқди.

Мажлисни комиссия раиси Б. Жўраева олиб борди. Мажлисда СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи 114-Гулистон сайлов округи округ комиссиясининг раиси Н. А. Колесниченко, Қўқон шаҳар ижроия комитетининг раиси Ш. К. Хўжаев, СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи сайлов комиссиясининг аъзолари М. Х. Эстоева, Р. Турсунов, М. С. Сайдалиева, З. Я. Белан сайловга қандай тайёргарлик кўрилаётганлиги тўғрисида ахборот бердилар.

Бутун мамлакатда бўлгани каби республикада ҳам бўлажак сайловга тайёргарлик жамиятни иқтисодий, социал-сиёсий ва маънавий ривожлантиришнинг конкрет вазифалари билан чамбарчас боғлаб олиб борилаётганлиги мажлисда қайд этиб ўтилди. Ўзбекистон меҳнаткашлари сайловни Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашган қардош халқларнинг ягона оиласида кутиб олмоқдалар. Корхоналар ва қурилишларнинг, далалар ва фермаларнинг меҳнаткашлари ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун, партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь ва декабрь Пленумлари ўртага қўйган вазифаларни рўёбга чиқариш учун мусобақани тобора авж олдирмоқдалар. Республикада СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишлар ва округ сайловолди кенгашлари баланд руҳ билан ўтмоқда.

Ҳамма жойда СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Қонунга тўла мувофиқ равишда округ ва участка сайлов комиссиялари тузилди. Сайловчиларнинг рўйхатлари тузила бошланди.

Сайловга тайёргарлик кўриштаги баъзи камчиликлар ҳам қайд этиб ўтилди. Жумладан, 114-Гулистон сайлов округида баъзи сайлов участкаларини безаш ва жиҳозлаш ишлари секинлик билан авж олдирилмоқда. Қўқон шаҳрида телефон алоқаси ишлаб чиқилган схемага кўра тегишли тарзда йўлга қўйилмаган. Сайлов комиссияси Гулистон округ сайлов комиссиясига ва Қўқон шаҳар ижроия комитетига сайловга тайёргарликни кучайтиришга қаратилган бир қанча тадбирларни амалга оширишни тавсия этди. Сирдарё ва Фарғона область ижроия комитетларига ҳам тегишли тавсиялар берилди.

Мажлисда участка сайлов комиссияларининг состави тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Секретари Г. Қ. Ҳайдарованинг ахбороти тингланди. Республикада жами 5743 сайлов участкаси тузилди, бу эса 1979 йилги сайловга нисбатан 497 та кўпдир. Участкаларнинг кўпайганлигига, аввало ўтган беш йил мобайнида республикада Навоий области, 16 та район, 30 шаҳар, 16 шаҳар посёлкаси ва 166 та қишлоқ ташкил этилганлиги, Ўзбекистон ССР аҳолиси эса 2,1 миллион кишидан зиёд ортганлиги сабаб бўлди.

Участка сайлов комиссияларининг составига ишчилар синфи, колхозчи деҳқонларнинг, фан ва маданият арбобларининг вакиллари, халқ хўжалиги турли тармоқларининг мутахассислари аъзо бўлдилар.

Ишчи ва колхозчилар участка сайлов комиссияларининг составида асосий ўринни эгалладилар. Улар ана шу комиссиялар составининг 58,7 процентини ташкил этадилар. Участка сайлов комиссияларида хотин-қизлар 50142 кишини ёки 50,3 процентни, партиясизлар 54506 кишини ёки 54,8 процентни, КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатлари 45002 кишини ёки 45,2 процентни ташкил этади. Комиссия аъзоларидан 31512 киши ёки 31,6 проценти 30 ёшгача бўлган йигит-қизлардир. Шулардан 20004 киши ёки 21,1 проценти Ленин комсомоли аъзоларидир. Ишчи ва колхозчилардан 1296 киши участка сайлов комиссияларининг раислари этиб тасдиқланди.

Комиссияларнинг аъзолари ўзларининг биринчи мажлисларида сайлов ҳужжатлари билан ва Марказий сайлов комиссиясининг участка сайлов комиссиялари иши тўғрисида йўл-йўриқ кўрсатилган хати билан танишдилар. Участка комиссиялари бинолар, муҳрлар билан таъминланган. Комиссиялар қаерда жойлашганлиги, уларнинг телефон номерлари маҳаллий матбуот орқали эълон қилинди. Тушунтиришлар ва маълумотлар бериш, шунингдек гражданларнинг ёзма ва оғзаки аризаларини қабул қилиш учун комиссия аъзоларининг навбатчилиги белгиланмоқда.

КПСС Марказий Комитети декабрь (1983 йил) Пленуми қарорлари—ҳаётга!

ПРОЦЕНТЛАР САЛМОҒИ

КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил) Пленуми қарорлари, партия Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Пленумга йўллаган нутқи текстида баён этилган йўл-йўриқлар асосида республикамиз пахтакорлари меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процент ошириш, маҳсулот таннархини қўшимча 0,5 процент камайтириш соҳасида аниқ режалар белгиламоқдалар. Қуйида Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг пахтачилик бригадаси бошлиғи Саидқосим ЭШОНОВга сўз берамиз:

—Кейинги йилларда колхозимизда ҳосилдорлик гектар боши ҳисобига кескин кўтарилди. 1983 йилда ҳар гектар майдондан 44 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтарилди. Мен бошчилик қилаётган бригадада бу рақам 48,2 центнерни ташкил этди. Мусобақадошимиз Саиджаббор Сулаймонов бригадаси аъзоларининг кўрсаткичи ҳам қувончли бўлди. Пахтанинг ҳаммаси биринчи сортларга топширилди. Процентлар салмоғи кўтарилди.

Шуни қувонч билан айтиб ўтиш керакки, колхозимиз бўйича меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процент кўтарсак, 55 минг сўм нақд даромад оламиз. Пахта таннархини қўшимча 0,5 процент камайтиришдан 25 минг сўмдан ортиқроқ наф кўрамиз. Процентлар ва рақамларда ўз ифодасини топган 80 минг сўм қўшимча даромад эҳтимол унчалик катта маблағ эмасдир. Лекин уни район ва область миқёсида ҳисоб-китоб қилиб чиқсак, процентлар самараси нечоғли улкан бўлиши яққол кўринади.

Колхозимизда ана шу ва шунга ўхшаш иқтисодий кўрсаткичлар ҳисобга олиниб, бригада пудрати ва меҳнатга нарядсиз ҳақ тўлаш усуллари кенг қўлланилмоқда. Колхозчи деҳқонларимиз ҳар бир рақам ва процент замиридаги соф фойдани аниқ билиб олдилар. Шу сабабли, агротехниканинг қишки тадбирларини тўла амалга оширмоқдалар. Бу йил колхозимиз бўйича пахта ҳосилдорлигини гектар ҳисобига 50 центнерга, бизнинг бригадамизда эса 55 центнерга етказиш учун кўкламги дала ишларига пухта тараддуд кўряпмиз.

МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ ОШАДИ, ТАННАРХ АРЗОНЛАШАДИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИДА «300» ПРОКАТ СТАНИ БИРИНЧИ НАВБАТИ КОМПЛЕКСИ ҚУРУВЧИЛАРИ, МОНТАЖЧИЛАРИ, МЕТАЛЛУРГЛАРИ, ҚУРИЛИШ БАРЧА ҚАТНАШЧИЛАРИ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

«Узбекметаллургстрой» қурилиш трести, 93-трест, «Узстальконструкция», «Узэлектромонтаж», «Средазтепломонтаж», «Узсантехгазмонтаж», «Узпромвентиляция», «Востокметаллургмонтаж» трестлари ҳамда В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводи монтажчи ташкилотларининг коллективлари КПСС XXVI съезди қарорларини бажара бориб, заводнинг ишлаб чиқариш қувватларини кўпайтириш ва бу қувватлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда борасида катта ишлар қилмоқдалар.

Шу беш йилликнинг уч йили мобайнида заводда 26 миллион сўмлик асосий ишлаб чиқариш фондлари ишга солинди, 75 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди, 32 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Темир-терсакни қайта ишлайдиган янги қувватлар, заводнинг марказий лабораторияси, электр линияси билан бирга асосий электр ёрдамчи станцияси, «300» станининг маъмурий-маиший корпуси, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган қўшимча қувватлар белгиланган муддатлардан ўзиб, ишга солинди. «300» янги прокат стани комплекси объектларини қуришдаги ишлар кенгайтириб юборилди.

Ўзбекистон металлургия заводини кенгайтиришда қатнашаётган қурувчилар, монтажчилар, металлурглар ва лойиҳа ташкилотларининг коллективлари КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь Пленуми қарорларига жавобан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Пленумдаги нутқида ўртага қўйилган кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни ҳал этишга конкрет ҳисса қўшишга интилиб, 1984 йил план топшириқлари сўзсиз бажарилишини таъминлаш учун социалистик мусобақага қўшилиб, ўз зиммаларига қуйидаги социалистик мажбуриятларни оладилар:

қурилиш ишларини бошқариш ва ташкил этишни такомиллаштириш, бригада пудратини янада ривожлантириш, прогрессив конструкцияларни, поток конвейерли ва йирик блокли монтаж методини қўллаш асосида «300» станининг биринчи навбат комплекси 1984 йилнинг 30 июнигача ишга туширилиши таъминланади, бажарилган ишлар юқори сифатли бўлади. Меҳнат унумдорлигини бир процент ўстириш ва қурилиш-монтаж ишлари таннархини ярим процент пасайтириш топшириқлари ошириб бажарилади. Шу билан бирга 1-ситиш печи муддатидан илгари қуриб битказилади ва ўт ёқиб синаб кўриш ҳамда комплекс ҳолда созлаш учун 15 майда топширилади. Сув тайёрлаш объектларида кимёвий тозаланган сув ҳам шу муддатгача ҳосил қилинади, станнинг такрорий сув таъминоти системаси ва совитиш станцияси комплекси битказиб топширилади. Печга эритиладиган маҳсулот солиш участкаси ҳамда клетлар группаси 5 апрелгача монтаж қилиниб, ишга туширилади ва созлаш учун топширилади.

Ўзбекистон металлургия заводининг коллективи шу мақсадларда қуйидагиларни таъминлаш вазифаларини ўз зиммасига олади:

машина-ускуна ва махсус материаллар ишларни бажариш графикларига мувофиқ муддатида комплект ҳолда етказиб берилади, лойиҳани амалга оширишда вужудга келувчи масалалар оператив ҳал этилади;

ишга тушириш-созлаш ишлари ўз вақтида ўтказилади, ишлатувчи ходимлардан 900 киши шу йилнинг 1 апрелигача тайёрланиб, машина-ускуналарни монтаж қилиш ва созлашда қатнаштирилади;

«300» стани биринчи навбати комплекси қувватларини муддатидан илгари ўзлаштириш ҳисобига 1984 йилда 150 минг тонна қувур заготовкаси чиқарилади.

Ишловчилар учун яхши социал-маиший шароитлар яратиш мақсадида шу йил қурувчилар ва монтажчилар 10 минг квадрат метр уйжойни ва 280 ўринли болалар боғчасини битказиб топшириш мажбуриятини оладилар.

«300» стани комплекси 1-навбатининг қурувчилари, монтажчилари, металлурглари, иншоотнинг барча қатнашчилари ушбу социалистик мажбуриятлар муваффақиятли бажарилиши учун ҳамма куч, билим ва тажрибамизни сарфлаймиз, деб КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига ваъда берадилар.

Ускуна етказиб берувчи корхона ва ташкилотлар коллективларига мурожаат этиб, «300» стани қурилишини фондларимиз ва нарядларимизга мувофиқ технологик ва ностандарт машина-ускуна, қурилиш материаллари ва махсус материаллар билан ўз вақтида таъминлаш мусобақасига қўшилишга даъват қиламиз.

Социалистик мажбуриятлар қурилиш-монтаж, лойиҳа, созлаш ташкилотлари, ишлатувчи ташкилотлар ва бошқа ихтисослашган ташкилотлар коллективларининг йиғилишларида муҳокамадан ўтказилиб, қабул қилинди.

СОВЕТ — ҲИНДИСТОН ДЎСТЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНАВЕРАДИ

Ўзбекистон жамоатчилиги ҳинд халқининг миллий байрами — Республика кунини кенг нишонлади. Шаҳар ва қишлоқларда йиғилишлар, дўстлик кечалари бўлиб ўтди.

Шонли сана шарафига 26 январь куни Тошкент жамоатчилиги вакилларининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда республика пойтахтининг олий ўқув юртларида таълим олаётган ҳинд студентлари ва аспирантлари қатнашдилар. Сўзга чиққан кишилар Ўзбекистон меҳнатчилари мамлакатларимиз халқларининг манфаатларини кўзлаб, ялпи тинчликни мустаҳкамлаш йўлида СССР билан Ҳиндистон ўртасида дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни кучайтиришга бундан буён ҳам кўмаклашаверишларини уқтириб ўтдилар. (ЎзТАГ).

БУТУНИТТИФОҚ СЕМИНАРИ

Улуғ Ватан урушида фашизм устидан қозонилган ғалаба оламшумул-тарихий воқеа бўлди. Бу ғалаба социализм — тинчлик, демократия ва социал тараққиёт ишининг энг ишончли таянчи эканлигини кўрсатди. «1941-1945 йилдаги Улуғ Ватан урушида қозонилган ғалабанинг 40 йиллиги ва совет халқини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг актуал проблемалари» мавзуида ўтказилган Бутуниттифоқ семинари 26 январда Москвада ўз ишини тугатди.

(ТАСС).

ТИНЧЛИК—ОЛИЙ МАҚСАДИМИЗ

СОВЕТ ҚИШИЛАРИ СИНГАРИ ЎЗБЕКИСТОН МЕҲНАТКАШЛАРИ ҲАМ ЎРТОҚ Ю. В. АНДРОПОВНИНГ «ПРАВДА» ГАЗЕТАСИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАРИНИ ЯКДИЛЛИК БИЛАН МАЪҚУЛЛАМОҚДАЛАР ВА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДАЛАР

ҚИЗҒИН МАЪҚУЛЛАЙМИЗ

Америка империалистик доираларининг айби билан халқаро вазият ғоят кескинлашди. Тоғ-тоғ қилиб уйиб ташланган қуроллар, айниқса Европа мамлакатларида Американинг ўртача олисликка учадиган янги ракеталарининг жойлаштирилиши ядро уруши хавфини янада кучайтириб юборди. Ана шундай бир шароитда Ғарбнинг сиёсатдонлари гўё халқаро ҳаётда ҳеч қандай ташвишланадиган ҳол юз бергани йўқ дея, жаҳон жамоатчилигини чалғитмоқчи бўляптилар.

Ғарбнинг ўзига бино қўйган айрим раҳбар доиралари орасида Америка ракеталари Англия, Германия Федератив Республикаси ва Италия территориясида жойлаштирилгач, «дунё бирмунча хатарсиз бўлиб қолди» деган бемаъни даъволар эшитила бошлади. Ҳақиқатда эса Ер юзида ҳеч қачон ҳозиргичалик хатарли вазият вужудга келмаган эди.

Дарҳақиқат, Америка ҳозирги раҳбарлари олиб бораётган зўравонлик сиёсати, суверен давлатларнинг ички ишларига қўпол аралашуви, агрессив кучларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши ва айниқса қуролланиш пойгасини авж олдириши туфайли инсониятга уруш хавфи таҳдид сола бошлади. Ҳозирги кескин вазиятнинг қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ва унинг олдини олиш учун Совет давлати кўраётган тадбирлар ўртоқ Ю. В. Андроповнинг «Правда» газетаси саволларига жавобларида таърифлаб берилди.

Ана шу ҳужжатда таъкидланганидек, совет кишилари тинчликнинг қадрини яхши биладилар. Ўтган урушда 20 миллион жигарбандидан жудо бўлган совет халқи партия ва ҳукуматимизнинг ленинча доно тинчликсевар сиёсатини доимо маъқулламоқда. Миллионмиллион совет гражданлари ўз шахсий маблағларидан, кўплаб корхоналарнинг ишчилари шанбаликлар ўтказиб иш ҳақларини тинчлик фондига ўтказилаётганлиги шу боисдандир. Ўзбекистон аҳолисининг тинчлик фондига ўтказаётган маблағи ҳар йили неча миллионлаб сўмни ташкил этмоқда. Республикамиз пионерлари, пенсионерлари, ишчи ва хизматчиларининг, деҳқонлари ва уй бекаларининг тинчлик фондига қўшган ҳиссалари бу йил айниқса салмоқли бўлди.

Биз, совет кишилари, Ер юзида тинчликни сақлаб қолиш учун куч-ғайратимизни аямаймиз ва давлатимизнинг бу йўлдаги тадбирларини қўллаб-қувватлаймиз.

Сора ЭШОНТЎРАЕВА,
СССР халқ артисти, Совет тинчлик фондига кўмаклашувчи республика комиссиясининг раиси.

ЯКДИЛЛИК БИЛАН

Заводимизнинг меҳнаткашлари «Правда» газетасининг саволларига ўртоқ Ю. В. Андропов берган жавоблар билан қизиқиб танишдилар. Бу жавобларда АҚШ маъмуриятининг агрессив сиёсати келтириб чиқарган бугунги кескин халқаро аҳволга принципиал баҳо берилган.

Партиямиз ва давлатимизнинг раҳбари ядро хавфи ортиб бораётганлиги хусусида афкор омма ташвишларини бўғишга уринаётган Ғарбдаги баъзи сиёсатдонларнинг сохта гаплари пардасини очиб ташлади. Европани социализм мамлакатларига ракета-ядро зарбаси бериладиган майдонга айлантириб, Ливан диёрида ажал ёғдириб, вайронгарчиликлар келтириб, Марказий Америка мамлакатларида қирғин қиламиз деб дўқ қилиб, дунёда гўё «хавфли ҳеч нарса рўй бермаяпти» дейиш учун қанчалар мунофиқ бўлмоқ керак! Вашингтонлик милитаристлар ўзларининг инсониятга душман сиёсатига қарши кучайиб бораётган тўлқинни шу таҳлитда бостиришга уринмоқдалар.

Ҳозирги мураккаб вазиятда ҳам совет раҳбари тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашнинг энг тўғри йўлини кўрсатиб берганлиги билан фахрланамиз. Бунинг учун Рейган маъмурияти социализм мамлакатларига нисбатан ҳарбий устунликка эришиш йўлидаги уринишларидан оғизда эмас, балки амалда воз кечиши, Европада Америка ракеталари жойлаштирила бошлаганига қадар бўлган аҳволга қайтиши, куч ишлатиш ва дўқпўписа тили билан гапиришни тўхтатиши керак.

Биз КПСС ва Совет ҳукуматининг тенглик ва баббаравар хавфсизлик принципи асосида ядро қуролларини чеклаш тўғрисида амалий аҳдлашувга эришиш йўлидаги самимий интилишини қизғин қўллаб-қувватлаймиз. АҚШ маъмурияти ниҳоят ақл-идрок билан иш тутиб, ўзининг авантюристик ниятларидан воз кечади, деб умид қилишни хоҳлардик.

Корхонамизнинг меҳнаткашлари Совет мамлакатининг ядро хавфини йўқотишга қаратилган тинчликсевар йўлини якдиллик билан қўллаб-қувватлайдилар, Ватаннинг хавфсизлигини таъминлаш, Ер юзида тинчликни ҳимоя этиш учун мумкин бўлган ҳамма ишларни қиладилар.

М. САИДОВ,
Тошкентдаги «Миконд» заводининг токари, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери.

БУТУН КУЧИМИЗНИ САРФЛАЙМИЗ

Барча совет кишилари каби бригадамиз пахтакорлари ҳам ўртоқ Ю. В. Андроповнинг «Правда» газетаси саволларига жавоблари билан ғоят қизиқиб танишдилар. Бу жавобларда партиямиз ва ҳукуматимизнинг тинчликсевар сиёсати, планетадаги барча софдил кишиларнинг орзу-умидлари ёрқин ифодасини топди.

Ҳозир АҚШ ва НАТО блоки империалистик доираларининг айби билан халқаро вазият хатарли равишда кескинлашиб кетди. Ўртоқ Ю. В. Андроповнинг жавобларида бизнинг позициямиз аниқ ва равшан ифода этилган. Жавобларда айтиб ўтилганидек, борди-ю НАТО мамлакатлари Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг бир-бирига қарши ҳарбий куч ишлатмаслик тўғрисидаги таклифига қўшилганлари тақдирда бу ҳам Европада, қолаверса бутун дунёда ҳам ишонч даражасини жуда оширган бўлур эди.

Улуғвор бунёдкорлик меҳнати билан банд бўлган совет кишилари урушни хоҳламайдилар. Улар ер юзидаги барча халқлар билан бирга тинчлик ва дўстлик тарафдоридирлар. Биз ҳамиша бўлганидек, бутун кучимизни Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга сарфлайверамиз.

А. ЖЎРАЕВ,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Наманган районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг бригадири.

МУНОСИБ НОМЗОДЛАР

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

25 январь куни СССР Министрлар Советининг мажлиси бўлди.

СССР ҳукумати КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь Пленумининг қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю. В. Андроповнинг нутқида берилган баҳолар ва хулосаларни тўла-тўкис маъқуллаб, уларни оғишмай амал қилиш ва ижро этиш учун қабул қилди.

Мажлисда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1983 йилги Давлат плани ҳамда СССРнинг 1983 йилги Давлат бюджетининг бажарилиш якунлари кўриб чиқилди. СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани раиси Н. К. Байбаков билан СССР молия министри В. Ф. Гарбузов шу масалалар юзасидан доклад қилдилар.

Совет кишилари партия XXVI съезди қарорларини рўёбга чиқариш борасида фидокорона меҳнат қилаётганликлари, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумлари ҳўжалик юритишни такомиллаштириш, уюшқоқлик ва интизомни ошириш юзасидан белгиланган тадбирлар амалга оширилиши натижасида ўтган йили экономикани ривожлантириш суръатлари ортди, халқ хўжалигида ижобий силжишлар рўй берди.

Миллий даромад 1982 йилга нисбатан 3,1 процент, саноат ишлаб чиқариши ҳажми 4 процент, шу жумладан «Б» группасида 4,3 процент ошди, давлат капитал маблағлари ҳисобига асосий фондларни ишга тушириш 5 процент кўпайди. Темир йўл транспорти бирмунча барқарор ишлайдиган бўлиб қолди. Маҳсулот реализация қилиш планини барча иттифоқдош республикалар ва саноат министрликлари бажардилар. Сифат кўрсаткичлари бирмунча ортди. Саноатда меҳнат унумдорлиги 3,5 процент, қишлоқ хўжалигида 6 процент, қурилишда 3,1 процент ва темир йўл транспортида 3,9 процент ошди.

Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқаришда муайян натижаларга эришилди. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти 5 процент кўпайди. Чорва, парранда ва сут харид қилиш плани бажарилди. Колхоз ва совхозларнинг экономикаси мустаҳкамланди, рентабелли хўжаликлар сони анча кўпайди.

Халқ турмуш даражасини юксалтиришга доир тадбирларни амалга ошириш давом эттирилди. Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 2,4 процент ва колхозчиларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақ 7 процент кўпайди. Аҳолининг реал даромадлари 2 процент ортди. Чакана товар оборот 2,7 процент, аҳолига кўрсатиладиган маиший хизмат ҳажми 2 процент ортди. Фойдаланишга топширилган уй-жой биноларининг умумий саҳни 110 миллион квадрат метрдан ошиб кетди. Янги мактаблар, касалхоналар, мактабгача тарбия болалар муассасалари ва бошқа маданий-маиший объектлар барпо этилди.

Давлат бюджети 1983 йилда даромадлар бўйича 100,3 процент бажарилди.

Шу билан бир қаторда СССР Министрлар Советининг мажлисида қайд этиб ўтилганидек, халқ хўжалигининг кўпгина соҳаларида ҳали каттагина камчиликлар ва танг жойлар мавжуддир.

СССР министрликлари ва идоралари, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, план органлари мамлакатнинг ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий потенциалидан ҳозирча самарали ва тўлиқ фойдаланишга эришганлари йўқ. Бир қанча министрликларда машина-ускуналар ишининг сменалик коэффициенти ҳамон паст бўлиб қолмоқда. 1983 йилда маҳсулотлар айрим муҳим турларини натура ҳолида ишлаб чиқариш ва уни шартномаларга мувофиқ етказиб бериш планлари бажарилмай қолди. Фан ва техникани ривожлантириш плани тўлиқ адо этилмади.

СССРнинг баъзи министрликлари ва иттифоқдош республикалар аҳолига мол ишлаб чиқариш топшириғини бажармади. Шу нарса чакана товар оборот юзасидан план бажарилмаганлигининг асосий сабабларидан бири бўлди.

СССР Министрлар Совети СССРнинг министрликлари, идораларининг раҳбарлари ҳамда иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг зиммасига 1983 йилги план бажарилиш якунларини чуқур анализ қилиб чиқиб, КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь Пленумининг қарорларига, шу Пленумда Ю. В. Андропов нутқида баён этилган кўрсатмаларга асосланиб ишлаб чиқаришда, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма участкаларида намунали тартиб ўрнатиш, шартномадаги мажбуриятларга қатъий риоя этиш, давлат интизоми, план ва меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш, меҳнатни ташкил этишнинг илғор форма ва методларини кенг кўламда қўллаш, мусобақанинг таъсирчанлигини ошириш, мавжуд резервлардан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш борасидаги тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, марказда ва жойларда ишлар аниқ ташкил этилишига эришиш, хўжалик юритиш даражасини ошириш ва шу асосда 1984 йилга белгиланган план топшириқлари ҳамда меҳнат коллективлари зиммаларига олган социалистик мажбуриятларни тўла ва ошириб бажаришга эришиш вазифаларини қўйди.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги янада ўсишини таъминлаш, шу ўсишга барқарор тус бахш этиш, меҳнат унумдорлиги пландан ташқари тахминан 1 процент ошишига, маҳсулот ва ишлар таннархи тахминан 0,5 процент арзонлашишига эришиш вазифаси қўйилди.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни автоматлаш, илғор технологияларни активлаштириш, янги техника борасидаги планлар сўзсиз бажарилиши ва бунга биринчи даражали аҳамиятга молик иш деб қараш зарурлигига алоҳида эътибор жалб этилди.

Мавжуд ишлаб чиқариш ва илмий-техника потенциалидан тўлароқ фойдаланиш, машина-ускуналарнинг алмаштирилувчанлик коэффициентини ошириш, материал, меҳнат ва молия ресурсларини сарфлашда тежамкорлик режимига қатъий риоя этиш таъминланмоғи лозим. Қурилиш министрликларига қурилиш ишларини ташкил этишни тубдан яхшилаш, куч ва маблағларни 1984 йилнинг ишга туширилиши лозим бўлган объектларига ва 1985 йилги қурилишларга жамлаш, уй-жойлар, маданий-маиший объектларни қуриш планлари сўзсиз бажарилишига эришиш таклиф этилди.

СССР министрликлари ва идоралари, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини ошириш ва хилларини кенгайтириш учун, хизмат доирасидаги корхоналар тармоқларини янада ривожлантириш ва уларнинг ишини яхшилаш учун ўзларига боғлиқ ҳамма чораларни кўришлари шарт.

СССРнинг тегишли министрликлари ва идораларига, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига кўкламги экин-тикинга тайёргарликни тезроқ ниҳоясига етказиш ва чорва қишловини муваффақиятли ўтказишни таъминлаш таклиф этилди.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ масалаларга катта эътибор берилди.

СССР Министрлар Совети саноат корхоналари ва ташкилотларида хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя этилиши билан боғлиқ ишларнинг аҳволи тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқди. Бу борада қабул қилинган қарорда министрликлар ва идораларга, корхоналар ва ташкилотларга ишлаб чиқаришда авариялар ва травматизм ҳолларининг олдини олиш борасидаги ишларни кучайтириш таклиф этилди.

СССР Министрлар Советининг мажлисида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Г. А. Алиев, В. И. Воротников ва А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар П. Н. Демичев ва В. И. Долгих, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари И. В. Капитонов ва Н. И. Рижков қатнашдилар.

Мажлис пировардида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов нутқ сўзлади.

(ТАСС).

ЯНГИЛИКЛАР 84

АНДИЖОН

СУВ ОМБОРИДА

✦ Андижон сув омбори ўрдакларнинг қишлови учун жуда яхши бошпана бўлиши ҳисобга олиниб, бу ерга Ўзбекистон овчилик ва балиқчилик жамиятининг Наманганди ўрдак фермасидан 200 бош ўрдак келтирилиб қўйиб юборилди.

Шунингдек, Отчопар сув омборига ҳам юз бош ўрдак қўйилди. Ҳозир улар янги жойга кўникиб қолишди. Яқин келгусида ҳар иккала сув омборида ёввойи паррандалар, кўпайтирилади. Овчилар ва балиқчилар жамиятининг Андижон область ташкилоти бу ерга вагон уйлар ўрнатди. Бу қароргоҳда овчилар ҳордиқ чиқарадилар. Кейинчалик сунъий денгиз бўйида овчилар уйи қуриш мўлжалланмоқда. Унинг ёнида қайиқ станцияси, овчилик анжомларини ижарага бериш пункти очилади. Балиқ ва парранда ови учун рухсатномалар берилади.

ЗАВОД ҚУРИЛМОҚДА

✦ Жалолқудуқ районида подшипник заводи қурилиши бошланди. Заводнинг биринчи навбати 15 гектар, иккинчи навбати эса 10 гектар ерни эгаллайди.

Бундан ташқари 20 гектар майдонда завод коллективи учун микрошаҳарча барпо этилади. Корхона тўла қувват билан ишга тушгандан сўнг тўрт ярим минг киши ишлайдиган бўлади. Бугунгача бу ерда бир ярим миллион сўмликдан зиёд қурилиш ишлари амалга оширилди. Янги корхонанинг биринчи навбати 1985 йилнинг биринчи кварталида ишга туширилади.

ЕР ЎЗЛАШТИРУВЧИЛАРГА

✦ Тошкент ремонт-экскаватор заводининг Андижон филиалида янги цех қурилди.

Бу цех йилига юз километр труба ишлаб чиқариш қувватига эга. Ҳар хил диаметрли бу труба адир ерларни ўзлаштирувчилар учун жуда зарур. Шунингдек, филиалда турли маркали бетон новлар ҳам ишлаб чиқарилади.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Чет элларда
ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

ИЗЧИЛ СИЁСАТ НАМУНАСИ

Ўртоқ Ю. В. Андроповнинг «Правда» газетаси саволларига жавоблари жаҳон жамоатчилигининг диққат марказида турибди. Бу ҳужжат ядро ҳалокатининг олдини олиш учун Совет Иттифоқи олиб бораётган изчил курашнинг ёрқин далили деб баҳоланмоқда.

Ю. В. Андропов, деб ёзади ГДРдаги **«Нойес Дойчланд»** газетаси, Советлар мамлакатининг тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш аҳдини тасдиқлаб, энг зарур халқаро муаммоларни ҳал этиш йўлларини ишонарли тарзда кўрсатиб берди. Хатарли кескинликнинг бош сабаблари бартараф этилгани йўқ, деб таъкидлади у. Европада Америка ракеталарининг пайдо бўлиши ҳарбий кескинликнигина эмас, сиёсий кескинликни ҳам кучайтириб юборди. Совет-Америка мулоқотининг фойдали ва мақсадга мувофиқ эканлигига Совет Иттифоқини ишонтиришнинг ҳожати йўқ. Аммо бундай мулоқот Вашингтон таклиф қилаётганидек, зўравонлик позициясида туриб эмас, балки теппа-тенг тарзда ўтказилиши керак. Ҳозирги замоннинг энг зарур масалалари хусусида бир битимга эришиш учун аввало, АҚШ ва НАТОдаги бошқа мамлакатларнинг истаги ва сиёсий иродаси бўлиши лозим. Кучга ва сўзамолликка зеб бермаслик, балки амалий қадамлар қўйиш ва музокараларга тайёр бўлиб туриш тенгликни хатарсизроқ қилиши мумкин. Шундай позицияга СССР муносиб жавоб беради.

Хитой ахборот агентлиги — **Синьхуа** Ю. В. Андроповнинг «Правда» саволларига қайтарган жавоблари тўғрисида хабар қилиб, шу ҳужжатнинг Европада Америка ракеталарининг пайдо бўлиши ҳарбий кескинликнигина эмас, шу билан бирга сиёсий кескинликни кучайтириб юборди, деган қисмини мисол қилиб келтиради. Ю. В. Андропов, деб хабар қилади агентлик, АҚШ билан НАТО «Першинг-2» ва қанотли ракеталар жойлаштирила бошлагунча мавжуд бўлган аҳволга қайтишлари ва ядро қуролларини кўпайтирмаслик ҳамда Варшава Шартномаси қатнашчилари билан НАТО қатнашчилари ўртасида ҳарбий куч ишлатмаслик тўғрисидаги совет таклифларига жавоб беришлари зарурлигини таъкидлади.

«Нью-Иорк таймс» газетаси Ю. В. Андропов жавобларининг тўла текстини эълон қилди. Газета ўз шарҳида бундай деб ёзади: Совет раҳбари Совет-Америка муносабатларини яхшилашга Москва бундай ёндашувни қатъиян рад қилиб, АҚШ президентининг яқинда сўзлаган нутқида Европадаги ядро қуролларини чеклаш масаласи юзасидан ҳам, бошқа актуал халқаро проблемалар юзасидан ҳам ҳеч қандай янги ғоя, ҳеч қандай янги таклиф йўқ эканлигини таъкидлади.

Совет Иттифоқи, деб уқтиради **Рейтер** агентлиги, АҚШни Шарқ билан Ғарб ўртасидаги мулоқотни қайтадан бошлаш учун конкрет қадамлар қўйишга чақирди. Совет Иттифоқининг фикрича, ядро қуролларини чеклаш тўғрисидаги бир битимга эришиш йўлидаги кучғайратларни активлаштириш зарур. (ТАСС).

ТЕНГЛИК ШАРОФАТИ

ФРАНЦУЗ ЖУРНАЛИСТИНИНГ ЎРТА ОСИЁ РЕСПУБЛИКАЛАРИ ҲАҚИДА ЁЗГАНЛАРИ

ПАРИЖ. (ТАСС). Октябрь революциясидан буён Ўрта Осиёдаги совет республикаларининг халқлари саноатни ва маданиятни ривожлантиришда мислсиз тараққиётга эришдилар. Илгари қолоқ бўлган бу халқлар Совет ҳокимияти йилларида саводсизликни тугатибгина қолмай, шу билан бирга ўз ривожида мисли кўрилмаган муваффақиятларга ҳам эришдиларки, бу фактни энди ҳеч ким инкор қила олмайди. Шарқ халқларининг маданияти ва анъаналарини кўп йиллар мобайнида ўрганган таниқли француз журналисти Анри Аллег «Тан актюэль» нашриётида чиққан «Қизил Юлдуз ва Яшил Ярим Ой» китобида шундай деб ёзади.

Китоб босилиб чиқиши муносабати билан «Революцион» журналининг мухбири билан суҳбатда А. Аллег Ғарбдаги, хусусан АҚШдаги советшунослар Осиё республикаларининг аҳолиси зўрлик билан «руслаштирилаётганлиги» ҳақида, улар миллий ўзига хосликдан маҳрум этилаётганлиги ҳақида гапиришни яхши кўрадилар, деб уқтиради. Бундай даъволар учун ҳеч қандай асос йўқ, улар СССРдаги халқлар ўртасига нифоқ солиш мақсадинигина кўзлайди, деб таъкидлайди у.

Ҳозир Ўрта Осиё республикаларидаги миллий онг бениҳоя юксак даражага кўтарилган: илгари бир-бири билан жанжаллашувчи тарқоқ қабилаларгина яшаб келган жойларда Совет ҳокимияти даврида янги миллатлар шаклланди. «Турли этник группаларга мансуб бўлган жами аҳолининг тенглиги — Ўрта Осиёдаги реаллиқдир», — деб уқтиради А. Аллег.

Француз журналисти рус тилининг СССРдаги ролига тўхталиб, бу тил «жуда катта мамлакатдаги кўпдан-кўп халқларни бирлаштирувчи восита ролини, сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан зарур бўлган ролни ўйнамоқда», деб таъкидлайди. «Рус тили норус халқларнинг миллий тилларига зарар етказмайди. Аксинча, бу тиллар ғоят ривож топди». Ҳозир кекса ўзбеклар, бизнинг фарзандларимиз ўзбекчани биздан яхшироқ биладилар, чунки улар бу тилни мактабда ўргандилар, унинг ҳамма нозик жиҳатларини билиб олганлар, деб айтмоқдалар. Шу билан бирга улар рус тилида ҳам яхши гаплашадилар, деб ёзади А. Аллег.

ЮКСАК БАҲО

АДАН. Яман Социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ЯХДР Олий Халқ Кенгаши Президиумининг Раиси ва Бош министр Али Носир Муҳаммад Адан чеккасидаги Хисва поселкасида сувни чучуклаштирадиган комплексли иссиқлик электр станцияси қурилишини бориб кўрди. У Совет — Жанубий Яман иқтисодий ҳамкорлигининг етакчи объектида ишлар қандай бораётганлиги билан танишиб, совет мутахассисларининг, бутун қурилиш коллективининг ишига юксак баҳо берди.

Хисвадаги иссиқлик электростанцияси мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш иккинчи беш йиллик планининг энг муҳим қурилишидир. Электр станция қурилишига Совет Иттифоқининг бераётган ёрдами комплекс характерга эга — СССРдан келган мутахассислар қурилиш ишларида кўмаклашиш билан бир қаторда ўқув марказида турли касбдаги малакали ишчиларни тайёрлашмоқда.

Иссиқлик электр станцияси қурилиши муҳим маррага яқинлашмоқда. 1985 йил охиригача қурувчилар 25 мегаватт қувватли биринчи кучланиш агрегатини ишга туширишлари лозим, бир йилдан кейин эса шунча қувватли иккинчи агрегатни ва чучуклантирадиган комплексни фойдаланишга топшириш режалаштирилмоқда.

СТОКГОЛЬМ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА

СТОКГОЛЬМ. (ТАСС мухбирлари). Европада ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш тадбирларига ҳамда қуролсизланишга бағишланиб бу ерда ўтказилган конференция делегатлари ҳузурида шу анжуман қатнашчилари бўлмаган Ўрта денгиз давлатларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Улар Ўрта денгиз районида хавфсизликни таъминлаш проблемалари хусусидаги ўз фикрларини баён этиб бердилар.

Кўпчилик нотиқлар Стокгольм конференциясининг муҳимлигини таъкидлаб, Европа қитъасидаги хавфсизликнинг Ўрта денгиздаги хавфсизлик билан узвий боғлиқлигини уқтирдилар. Европадаги хавфсизликни камайтиришга оид конкрет таклифлар, уларнинг фикрича, Ўрта денгиз жанубидаги вазиятга ҳам ижобий таъсир қилган бўлур эди.

Араб давлатларининг намояндалари Яқин Шарқда ҳозир ҳукм сураётган кескин вазият Вашингтоннинг тўла мадади билан иш кўраётган Исроил агрессив сиёсатининг натижаси эканини яққол кўрсатиб бердилар. Тель-Авив тажовузкорлик ҳаракатларини тўхтатмаяпти, ўзини мустамлакачи тарзида тутмоқда. БМТ резолюцияларига хилоф равишда араблардан босиб олинган ерларда Исроилнинг янги-янги манзилгоҳларини барпо этмоқда, деб уқтиришди улар.

Яқин Шарқ проблемасининг одилона бартараф этилиши Европадаги ва бутун дунёдаги кескинликни юмшатишга кўмаклашган бўлур эди. Ўрта денгиз тинчлик зонаси бўлиб қолиши керак, деган фикр араб давлатлари вакилларининг конференциядаги нутқларида аниқ-равшан янгради.

Н. ВУКОЛОВ,
П. КОНОВАЛОВ,
А. СТЕПАНЕНКО.

Америка тўқмоғи Вашингтон жандармининг давлат сиёсати даражасига кўтарилди...

(Газетадан).



Зўравонлик сиёсати.

Б. Жуков чизган расм.

ОҚ УЙ ХЎЖАЙИНИ АСАБИЙЛАШМОҚДА

ВАШИНГТОН, 25 январь. (ТАСС). Конгрессда Рейган маъмуриятининг халқаро майдондаги ва, айниқса, Яқин Шарқдаги ошкора авантюрачилик йўлидан норозилик кучайиб бораётганлиги сабабли шахсан президент Рейганнинг ўзи конгрессдаги аҳволни кўздан кечириб чиқди. Сенатнинг республикачилар фракцияси билан Капитолияда ўтказилган учрашувда Оқ уйнинг хўжайини Капитолияда президентнинг ташқи сиёсат соҳасидаги ҳаракатлари душманлари кўпайиб боришига қарши курашишнинг биргаликдаги стратегиясини муҳокама қилди.

«Нью-Йорк таймс» газетасининг далолат беришича, «Бу йилги сайловолди кампаниясида ташқи сиёсат энг катта проблема бўлади ва шу муносабат билан Ливандаги аҳвол тўғрисидаги масала юзасидан конгрессда ўтказиладиган мунозаралар кескин ва шиддатли тус олиши сезилиб турибди». Конгресс аъзоларидан тобора кўп киши Америка денгиз пиёда қўшинларини шу мамлакатдан даҳол олиб чиқиб кетишга даъват қилмоқда, чунки улар Америка қуролли аралашувининг янада кенгайтирилиши регионда катта миқёсдаги ҳарбий жанжал чиқиш хавфини туғдираётганини тушунмоқдалар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ «УМУМИЙ ТАЪЛИМ ВА ҲУНАР МАКТАБИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ» ЛОЙИҲАСИНИ ЎҚИБ

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

Ҳозирги ривожланган социализм шароитида ҳам, келажакда ҳам такомиллашган маориф системаси, шубҳасиз, муҳим ўрин тутади. Партия ва ҳукуматимиз бу соҳани муттасил тараққий эттиришга эътиборни тобора кучайтираётгани бежиз эмас, албатта. КПСС Марказий Комитети «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» юзасидан тавсия этган Лойиҳа бу борада кўрсатилаётган чексиз ғамхўрликнинг яна бир тимсолидир.

Очиғини эътироф этадиган бўлсак, мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари фаолиятини давр талаблари билан янада уйғунлаштириш, маориф системасидаги номувофиқликларни тўлатўкис бартараф этиш, педагог кадрлар обрўсини кўтариш, уларни тағин ҳам кенг кўламларда ғамхўрликлар билан қуршаб олиш фурсати келди. Лойиҳада фақат маорифчиларни эмас, бутун жамоатчиликни қизиқтирган ана шу сингари жуда катта масалалар ўз аксини топганлиги ниҳоятда қувончли.

Биз, маорифчилар ўрта мактаб билан ҳунар масканлари ишини ҳеч қачон бирбиридан ажратиб қўймаймиз. Тарихий ҳужжатда ҳам таълим-тарбиянинг ана шу қирраси чуқур қамраб олинган, яъни ўрта мактаб ва ҳунар ўргатувчи дарғоҳларда таълим-тарбия ишлари баб-баравар такомиллаштириб борилиши алоҳида уқтирилади.

Халқ хўжалигига илм-фан ютуқлари, мураккаб техника воситалари, хусусан автоматик бошқариш системаси кенг кўламда жорий этилаётгани бевосита ҳунар-техника таълимини янада ривожлантиришни тақозо этмоқда. Лойиҳадаги «Ўрта ҳунар-техника билим юртлари халқ хўжалигининг тегишли тармоқлари учун юқори малакали ишчилар тайёрлашга ихтисослаштирилади ва ишлаб чиқариш бирлашмалари, корхоналар, қурилишлар ва ташкилотлар базасида, қишлоқ жойларда эса район агросаноат бирлашмалари, совхозлар, колхозлар, хўжаликлараро корхоналар базасида ташкил этилади» деган сўзлар бизни, айниқса қувонтирди.

Бундан кўринib турибдики, ҳунар мактаблари эришадиган ютуқлар бевосита базавий ташкилотлар нечоғли ғамхўрлик ва оталиқ ёрдами кўрсатишига боғлиқдир. Кўпгина ҳолларда бундай ташкилотлар раҳбарлари зиммаларидаги бурчларини унутадилар, ўзларига бириктирилган ҳунар маскани ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш хусусида қайғурмайдилар. Натижада зарур мебеллар, ўқув қуроллари ва мураккаб техника воситалари етишмайди. Мана шундан келиб чиққан ҳолда Лойиҳа **базавий ташкилотлар бурчини конкретлаштириш, масъулиятини ошириш ҳақидаги қаттий мулоҳазалар билан тўлдирилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.**

Каттақўрғон шаҳридаги мавжуд тўртта ҳунар-техника билим юрти оталиқ ташкилотлари ёрдамидан баҳраманд бўлмоқда. Қишлоқ хўжалигига тракторчи ва бошқа ишчи кадрлар етказиб берадиган бизнинг ҳунар масканимизда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар, айниқса диққатга сазовордир. Билим юрти 1975 йил февралида очилган. Унинг замонавий типда қурилган муҳташам биносида касб эгаллаш, фан асосларини пухта ўрганиш учун барча шароит муҳайё. Устахона, олтита лаборатория, 27 та ўқув кабинети, 52 гектарлик ўқув-тажриба хўжалиги, автотрактородром ёш авлод ихтиёрига бериб қўйилган. Бундай мустаҳкам база, Лойиҳада таъкидланганидек, ёшларга касб сирларини мукаммал ўргатиш, уларда меҳнатсеварлик кўникмаларини ҳосил қилиш учун ғоят қўл келмоқда.

Лойиҳада мактаблар билан бир қаторда ҳунар масканларини юқори малакали, чуқур билимли, тажрибали инженер-педагог кадрлар, мураббий ва устозлар билан таъминлаш масаласи ҳам кўтарилгани эътиборга лойиқдир. Партиямизнинг халқ маорифи, шу жумладан ҳунар-техника таълими системасини юксалтириш соҳасидаги ғамхўрлиги бизни янги-янги зафарлар сари руҳлантиради.

Д. ЖУМАЕВ,
Каттақўрғон шаҳридаги 94-ўрта махсус ҳунар-техника билим юрти директори.

АЪЛО СИФАТ, ЮҚОРИ СУРЪАТ УЧУН

«УЗГЛАВСТРОЙДРЕВПРОМ»ГА ҚАРАШЛИ ОФТОБДАН ТЎСУВЧИ ҚУРИЛМАЛАР ЗАВОДИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1984 ЙИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги қурилиш конструкцияларини ишлаб чиқариш ва ёғочни қайта ишлаш бош бошқармасига қарашли офтобдан тўсувчи қурилмалар заводи коллективи КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини амалга ошира бориб, 1983 йил план топшириқларини ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарди.

Завод ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, зарбдор меҳнат вахтасида туриб 1984 йил учун ўз зиммаларига қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қилдилар:

маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва буюмларнинг кўпчилик турларини ишлаб чиқариш плани муддатидан илгари, 25 декабрда бажарилади, пландан ташқари 100 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

Саноат ишлаб чиқаришини 1983 йилдагига қараганда 8,8 процент ўстиришга эришилади.

Илғор конструкторлик ечимларини кенг қўлланиш, технология жараёнларини такомиллаштириш, хом ашё, материал сарфи, меҳнат харажатлари прогрессив нормативларини жорий этиш ҳисобига меҳнат унумдорлигини ўстириш плани 1,1 процент ошириб бажарилади ва маҳсулот таннархи қўшимча равишда 0,6 процент камайтирилади.

Янги техникага оид тадбирларни жорий этишдан 110 минг сўмлик шартли иқтисодий самара олинади. Йил давомида 27 та рационализаторлик таклифи жорий этилади ва камида 20 минг сўмлик иқтисодий самара олинади. Ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаш ҳисобига қўл меҳнати ялпи салмоғи 1,5 процент камайтирилади.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари кўпайтирила бориб, яна икки хил янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Давлат Сифат белгиси қўйилган буюмлар ялпи салмоғи умумий ҳажми 28 процентга етказилади.

Белгиланган нормага нисбатан 160 минг киловатт-соат электр энергия тежалади.

Меҳнатни ташкил этишнинг бригада формасини такомиллаштира бориб, шундай бригадалар маҳсулоти салмоғини ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан 65 процентга етказилади.

Ҳар бир иш жойида меҳнатни ташкил этишни яхшилаш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш ҳисобига иш вақтининг бекор кетиши 30 процент камайтирилади.

52 нафар ишчи, инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади, 75 киши иқтисодий ўқувга жалб этилади. 35 нафар янги ишчи тайёрланади.

Тошкент областидаги «Ленинград» совхозига, Сергели районидаги 3-мактабга ва 469-болалар боғчасига оталиқ ёрдами давом эттирилади.

Заводда республика илғор корхоналарининг «Қаторимизда бирорта ҳам қолоқ ишчи бўлмасин» ва «Ёш ишчига — мураббий марраси» ташаббуслари кенг ёйилади.

Республика ўрмон ва ёғочни қайта ишлаш саноати барча ходимларини 1984 йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик плани ва социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажарищ учун социалистик мусобақани янада кенг авж олдиришга чақирамиз.

Социалистик мажбуриятлар завод партия-хўжалик активи йиғилишида муҳокама этилиб, қабул қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МОНТАЖ ВА МАХСУС ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ МИНИСТРЛИГИ «СРЕДАЗТЕПЛОМОНТАЖ» МАХСУС ТРЕСТИГА ҚАРАШЛИ ЧИРЧИҚДАГИ «ХИМЗАШЧИТА» МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1984 ЙИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Чирчиқдаги «Химзашчита» монтаж бошқармасининг коллективи КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли уддалади.

Бошқарма коллективи КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь Пленуми қарорларига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг кўрсатмаларига амал қилиб, беш йилликнинг уч йилида эришилган ютуқларни кўпайтира бориб, ўз зиммасига 1984 йил учун қуйидаги социалистик мажбуриятлар олди:

Пудрат ишлари йиллик плани 20 декабрда бажарилади ва пландан ташқари 117 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилади. Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топшириш таъминланади.

Ишлаб чиқариш резервларидан янада тўлароқ фойдаланиш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, илғор тажрибани кенг жорий этишга оид комплекс тадбирларни амалга ошириш йўли билан меҳнат унумдорлиги 1984 йилги планга нисбатан 1 процент ошириладаи, монтаж ишлари таннархи 0,5 процент арзонлаштирилади.

Бригада пудрати методи билан қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг камида 62 проценти бажарилади, тугалланмай қолган қурилишлар бир процент қисқартирилади.

Рационализаторлик таклифлари ва ихтироларни жорий этишдан камида 30 минг сўмлик шартли тежамкорликка эришилади.

Белгиланган топшириқдан ташқари 300 килограмм ёқилғи ва 1500 киловатт-соат электр энергия иқтисод қилинади.

Барча қурилиш объектларида монтаж ишларининг сифати оширилади.

25 нафар ишчи турдош касбларга ўқитилади ва 40 нафар ишчининг малакаси оширилади.

Ленинградликларнинг «Ҳар бир кишининг юқори сифатли ишлашидан коллектив меҳнатининг юксак самарадорлиги сари» ташаббуси қўллаб-қувватланади.

Социалистик мажбуриятлар Чирчиқдаги «Химзашчита» монтаж бошқармаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишида муҳокама этилиб, қабул қилинди.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ *саҳифаси*

Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетида

ЭЪТИБОРСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Текшириш шуни кўрсатдики, республика хўжаликлараро бош чорвачилик корхонаси бошлиғи В. Кондрашин Тошкент область хўжаликлараро чорвачилик корхонаси ишлаб чиқариш ва молиявий фаолияти устидан етарли назорат олиб бормаётир. Тошкент корхонасининг собиқ бош бухгалтери Нурушовнинг хати бўйича ўтказилган текшириш натижаларига эътиборсиз муносабатда бўлиниб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун зарур чора-тадбирлар белгиланмаган.

Тошкент область хўжаликлараро чорвачилик корхонасида давлат ва план интизомига ҳар доим ҳам етарли риоя қилинаётгани йўқ. Бўрдоқига боқиш учун қорамол етказиб бериш, гўшт тайёрлаш ва давлатга сотиш планлари бажарилмай қолмоқда. Сўнгги уч йил мобайнида областдаги хўжаликлараро корхоналар 6 минг бош, ёки пландагидан 25 процент кам қорамол билан таъминланди. Шу муддатда давлатга белгиланидан минг тонна гўшт кам топширилди. Ушбу корхонада озуқа бирлигини ортиқча сарфлаш, уни чет кишиларга бериб юборгани ҳоллари ҳам содир бўлмоқда. Мавжуд ер майдонларидан яхши фойдаланилмаётир, озуқа экинларининг ҳосилдорлиги анча паст. Корхонага қарашли хўжаликларнинг иқтисодий кўрсаткичлари пасайиб бормоқда, молларни семиртириш таннархи ошиб, кўрилаётган даромад камайиб бормоқда. Областдаги бешта колхозлараро чорвачилик корхонасида қонунга хилоф равишда 11,5 минг сўм мукофот тўланишига йўл қўйилган.

Тошкент область хўжаликлараро чорвачилик корхонаси бош зоотехниги Т. Ойғозиев озуқаларни тўғри сарф-харажат қилиш билан етарли шуғулланмаётир. Текширилган хўжаликлараро корхоналарда молларни семиртириш учун сарфланаётган озуқа бирлиги кўпайиб бормоқда. Зооветеринария қонун-қоидаларига риоя этилмаганлиги туфайли 1982—1983 йилларда анчагина қорамол ва чўчқанинг нобуд бўлишига йўл қўйилган, Маҳсулотни ҳисобга олиб бориш ва реализация қилиш ишлари паст савиядалигича қолмоқда.

Йўл қўйилган камчиликлар Тошкент район хўжаликлараро чорвачилик корхонаси директори Маҳмудовга ҳам бевосита тегишлидир. Ўтган йили қорамолларни семиртириш плани бор-йўғи 34 процентга бажарилди. Олти ой мобайнида ҳар бир қорамол ҳисобига кунига 4-4,5 озуқа бирлиги сарфлангани ҳолда чорва молларининг вазни ошишига эришилмаган. Молларнинг нобуд бўлиши ва мажбурий равишда сўйилиши эвазига 11,5 минг сўм зарар кўрилган. Сўнгги икки йил давомида 572 тонна озуқа бирлиги ортиқча сарфланган.

Бу жиҳатдан Янгийўл ва Оржоникидзе районларидаги хўжаликлараро корхоналарда ҳам ачинарли аҳвол ҳукм сурмоқда. Янгийўл корхонасида кейинги икки йил мобайнида чўчқа ва қорамолларнинг нобуд бўлиши ва мажбурий сўйиб юборилиши туфайли 4,3 минг сўм зарар кўрилди. Озуқа бирлиги сарфида ҳам белгиланган тартиб-қоидаларни четлаб ўтиш, ортиқча сарф-харажатга йўл қўйиш ҳоллари юз бермоқда. Оржоникидзе корхонаси директори Усмонов бўрдоқига боқиш ва қорамолларни семиртириш бўйича белгиланган план топшириқлари бажарилиши хусусида зарур ташкилотчилик ишларини олиб бормаётир. Озуқани ортиқча сарфлаш, чорва молларини мажбурий равишда сўйиш ҳоллари ҳам рўй бериб турибди.

Ўзбекистон ССР халқ контроли комитети юқоридаги қатор камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилганлиги, корхона бўлинмаларига раҳбарлик сусайтириб юборилганлиги, улар нинг фаолияти зарур даражада назорат этилмаётганлиги учун республика Қишлоқ хўжалик министрлигига қарашли Ўзбекистон хўжаликлараро бош чорвачилик корхонаси бошлиғи В. Кондрашинга ҳайфсан эълон қилди. Белгиланган планларнинг бажарилмаётганлиги, чорва озуқасидан фойдаланишда тартибсизликка йўл қўйилганлиги, қонунсиз равишда мукофотлар берилганлиги учун Тошкент область хўжаликлараро чорвачилик корхонаси бошлиғи А. Юнусхўжаев, шу корхона бош зоотехниги Т. Ойғозиевларга тегишлича жазо берилди. Тошкент, Янгийўл ва Оржоникидзе район хўжаликлараро чорвачилик корхоналари раҳбарларининг моддий ва пул маблағларидан фойдаланишда қонунсизликка йўл қўйганликлари, хўжасизлик ва масъулиятсизлик кўрсатганликлари масаласини кўриб чиқиш Тошкент область халқ контроли комитетига топширилди.

Жонкуярлар

Хатирчи районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзолари халқ назоратчилари ҳақида алоҳида ҳурмат ва эътибор билан гапирадилар. Бунинг боиси бор, албатта. Халқ мулки посбонлари колхоз фаолиятининг барча соҳаларини сезгирлик билан назорат этиб бормоқдалар. Уларнинг фаоллиги туфайли ишда рўй бераётган камчилик ва нуқсонлар тез аниқланиб, бартараф этилаётир.

Назоратчилар ўтган йили 14 маротаба текшириш, рейд ва кўриклар ўтказишди. Улар айни вақтда тежамкорлик учун курашда намуна кўрсатиб, бевосита иш ўрнида қимматли таклифларнинг ижро этилиши учун кўмаклашмоқдалар. Турли йўналишларда олиб борилган фаолият натижасида хўжаликда сўнгги бир йил мобайнида 1,5 минг киловатт-соат электр энергияси, салкам бир тонна цемент, 51 тонна бензин, 75 тонна дизель ёнилғиси ва бошқа қимматли маҳсулотлар тежаб қолинди.

Колхоз назоратчилари ердан унумли фойдаланиш, пахта ҳосилдорлигини ошириш, молия ишларини юритишда қаттиқ тартиб-интизомнинг йўлга қўйилиши жонкуярлари сифатида ҳам танилмоқдалар. Кейинги вақтда ҳисобдан ташқаридаги 30 гектар ер хўжалик оборотига киритилди.

Назоратчилар ўз ишларини комсомол прожекторчилари, касаба союз комиссиялари аъзолари, халқ депутатлари билан ҳамкорликда олиб бормоқдалар.

М. РАҲИМОВ.

ИЖРО ИНТИЗОМИ

ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Мамлакатимиз халқларининг бахт-саодати ҳақида, уннинг моддий ва маданий турмуш даражасини муттасил ошириб бориш тўғрисида ғамхўрлик — ленинчи партиямиз фаолиятининг асосий қонуни. Шу боисдан халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш социал программанинг марказий вазифаларидан ҳисобланади. Коммунистик партиямизнинг XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетнинг кейинги Пленумлари қарорларида, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг нутқларида бу ниҳоятда муҳим вазифанинг аҳамияти алоҳида таъкидлаб ўтилди. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети аҳолини истеъмол моллари билан таъминлашни яхшилаш ҳақида алоҳида қарор қабул қилди.

Ҳозирги кунимизнинг бу муҳим масаласига катта эътибор билан муносабатда бўлаётган Самарқанд область халқ контроли комитетлари ана шу соҳада назоратни кучайтириш мақсадида таъсирчан чора-тадбирлар белгиламоқдалар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг X пленуми қарорларининг бажарилишини таъминлашга оид қилинадиган ишлар бевосита планларда акс этмоқда, халқ назоратчиларининг семинар ва йиғилишлари ўтказилиб, группа ва постларнинг фаолияти тобора жонлантирилаётир.

Кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни назорат этиш борасида Самарқанд шаҳар халқ контроли комитетининг фаолияти эътиборга молик. Бу ерда халқ контроли группаларининг активлигини ошириш учун ишнинг ранг-баранг усул ва услубларидан фойдаланилмоқда. Ишлаб чиқариш чиқиндиларидан тайёрланган кенг истеъмол буюмлари кўриги ўтказилганлиги ана шулар жумласидандир. Кўрикда бу масалага етарли эътибор берилмаётган корхоналар халқ контроли группалари раислари нинг қатнашиши, комитет ходимларининг улар билан суҳбатлар ўтказиши ўз самарасини берди. Бу тажриба қатор корхоналарда шу соҳада мавжуд бўлган резервларни аниқлаш ва ишга солишга ёрдам бераётир.

Областимиз халқ контроли комитетлари энг яхши группаларнинг иш тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва кенг оммалаштириш билан мунтазам шуғулланиб келмоқда. Жумладан, область комитети бадиий-гиламчилик фабрикаси халқ контроли группасининг иш тажрибасини кўриб чиқиб, маъқуллади. Корхона назоратчилари фаолиятида ишлаб чиқариш технологиясини токомиллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш масалалари алоҳида ўрин тутмоқда. Фабрикада ўтказилган рейдлардан бирида 500 минут иш вақти беҳуда йўқотилганлиги аниқланди. Текшириш натижалари тегишли жойларда муҳокама этилиб, айбдор кишиларга жамоатчилик танбеҳи берилди. Назоратчиларнинг иш натижалари халқ контроли группаси стендида акс эттирилиб, бу масалага кенг жамоатчилик эътибори тортилмоқда. Ушбу рейд натижаларига кўра амалга оширилган тадбирлар фақат ноишлаб чиқариш вақтини қисқартириш эвазига бир йилда қўшимча 35 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берди.

Халқ контроли комитетлари ва группалари кейинги вақтда ишлаб чиқариш планларининг бажарилиши, меҳнат унумдорлигини ошириш ва истеъмол моллари сифатини яхшилаш, бу борада мавжуд имконият ва резервлардан самарали фойдаланиш бўйича бир неча бор текширишлар ўтказди. Ушбу текширишларнинг аксарияти комитет мажлисларида муҳокама этилиб, камчилик ва нуқсонлар учун айбдор бўлган кишиларга нисбатан интизомий жазо чоралари кўрилди. Текширишларнинг натижалари корхона коллективи йиғилишида муҳокама этилиши мавжуд нуқсонларни бартараф этиш, кўпгина объектларда аҳволнинг яхшиланишига кўмак бермоқда.

Область халқ контроли комитети ўтказган текширишларнинг бирида «Ҳужум» пиллакашлик фабрикаси хом ашё билан узлуксиз таъминланмаётганлиги туфайли Самарқанд шойи фабрикасида планларни бажаришда қийинчиликлар туғилаётгани қайд этилган эди. Бу масалага халқ назоратчиларининг аралашуви ижобий таъсир кўрсатди. Технология жараёни устидан назорат кучайтирилиб, бригада пудрати жорий этилди. Натижада юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш кескин кўпайиб, шартнома мажбуриятлари ўз вақтида адо этила бошланди. Шойи фабрикасида ҳам машина ва ускуналардан унумли фойдаланиш, меҳнат унумдорлигининг ўсиши эвазига планга қўшимча 1 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди.

Каттақўрғон шаҳар халқ контроли комитетининг ўтказган текширишлари яхши самара бераётганлигини қониқиш билан қайд этамиз. Халқ мулки посбонлари шаҳар нон комбинатида рўй бераётган қатор камчиликларни фош этиб ташлаган эдилар. Савдо тармоқларига маҳсулот етказиб бериш топшириқлари бажарилмас, маҳсулот хилларини кўпайтириш ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш, технология интизомини йўлга қўйиш, маҳсулотнинг сифатлилигини таъминлашда ҳам бўшашувчанлик юз берди.

Шаҳар халқ контроли комитетининг таклифи билан текшириш материаллари корхона коллективининг умумий йиғилишига ҳавола этилди. Аҳволни яхшилаш хусусида қизғин фикрлар билдирилди. Йиғилиш якунида ташкилий-техникавий тадбирлар белгиланиб, унинг бажарилиши қаттиқ назорат этила бошланди. Қисқа муддат ичида эскирган дастгоҳлар алмаштирилиб, носоз ускуна ва механизмлар ремонтдан чиқарилди. Энг муҳими, маҳсулотлар ишлаб чиқариш суръати кескин ошди.

Область халқ контроли комитети маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш масаласида бевосита халқ контроли группа ва постларига тайнмоқда. Уларнинг аъзоларини текширишларга жалб этмоқда. Қабул қилинган қарорларнинг ижросини назорат қилиш эътибор марказида тутилаётир. Бу ўз навбатида назоратчилар фаолияти савиясини ошириш ва таъсирчанлигига эришишга хизмат қилмоқда.

Чинни заводи халқ контроли группаси кейинги вақтда ўз фаолиятини активлаштирди. Сўнгги бир ярим йилда группа кучи билан 22 марта текшириш ўтказилди. Унинг натижалари турли босқичдаги йиғилиш ва мажлисларда муҳокама этилиши брак маҳсулот ишлаб чиқарувчилар, давлат интизомини бузувчиларга нисбатан муросасизлик муҳити қарор топишига хизмат қилмоқда. Халқ мулки посбонларининг ишлаб чиқариш масалалари билан изчил шуғулланиши ўтган йили корхона ҳаридоргир маҳсулот — коса ишлаб чиқаришни 1 миллион донага кўпайтиришига ёрдам берди. Беш қиррали Сифат белгиси қўйилган маҳсулотлар 355 минг сўмликка кўпайди.

Шунингдек, трикотаж ва мебель фабрикалари, Охунбобоев номли кўн заводи, 8-Март номли тўқувчилик бирлашмаси халқ контроли группалари ҳам истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш ва сифатини яхшилашда, корхоналар партия ташкилотлари, маъмурияти ва меҳнат коллективларига катта ёрдам кўрсатмоқда. Бевосита кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш билан шуғулланмаётган корхоналарда ҳам халқ контроли группалари йилига камида 2—3 бор истеъмол моллари тайёрлаш билан шуғулланаётган цехлар фаолиятини ўрганиб чиқмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь Пленумида халқ истеъмол қиладиган замонавий моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, шунингдек план ва иш топшириқларининг сўзсиз бажарилишига эришиш, меҳнат унумдорлигини ошириб, маҳсулот таннархини арзонлаштиришга эришиш лозимлиги алоҳида қатъият билан кун тартибига қўйилди. Областимизнинг кўп сонли халқ назоратчилари бу вазифаларни бажаришга муносиб ҳисса қўшиш учун бундан кейин ҳам халқ хўжалигининг барча соҳаларида фаолиятларини кучайтираверадилар.

А. МАҚСУМОВ,
Самарқанд область халқ контроли комитетининг раиси.

ЖОЙЛАРДАН ХАБАРЛАР

НУКУС

● **Қорақалпоғистон автоном республикаси халқ контроли комитети Социал таъминот министрлигида ижро интизомига риоя этишда қатор камчиликларга йўл қўйилаётганлигини аниқлади.** Бу ерда меҳнаткашларнинг хат-хабарлари аниқ ҳисобга олинмайди, коллегия қарорларининг амалий ижроси, министр фармойишларининг жойларда қандай бажарилаётганлиги суст назорат қилинмоқда. Меҳнаткашларни қабул қилиш, уларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқишда ҳам қатор нуқсонлар содир бўлаётир. Айрим шикоятлар кўриб чиқиш учун тегишли адресларга жўнатилмаётир. Булар меҳнаткашлар юқори ташкилотларга бир масала устида бир неча марта мурожаат этишлари, хат ва шикоятлар ёзишларига сабаб бўлмоқда.

Халқ контроли комитети рўй берган эътиборсизлик, ишдаги ноаниқликлар учун айбдор бўлган кишиларни тегишлича жазолади.

КИТОБ

● **«Китоб» совхоз-заводи ишчилари ўтган йили самарали меҳнат қилдилар.** Давлатга пахта, мева, узум, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш планлари ортиғи билан бажарилди. Хўжалик халқ назоратчилари актив жамоатчилик фаолиятлари билан бу муваффақиятга муносиб ҳисса қўшдилар. Бир йилда уларнинг кучи билан қиррқа яқин текшириш ва рейдлар ўтказилди. Давлат плаиларини бажариш, резервларни излаб топиш ва ундан самарали фойдаланиш, тежамкорликка қаттиқ риоя қилиш, тайёрланаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш, социалистик мулкни аввалаб-асраш каби хўжалик фаолиятининг энг муҳим масалалари халқ мулки посбонларининг диққат-эътиборида турибди. Уларнинг таклифлари бўйича амалга оширилган тадбирлар туфайли бир қатор камчиликларни бартараф этиш, жумладан 17 минг киловатт-соат электр энергияси, 12 тонна ёнилғи-мойлаш материаллари тежаб қолинишига эришилди. Халқ контроли группасининг К. Қаландаров, С. Юсупов, А. Хўжаев, К. Салаев, У. Раҳимов каби аъзолари жамоатчилик топшириқларини ташаббус кўрсатиб адо этаётганликлари туфайли коллективнинг ҳурмат-эътиборини қозондилар.

Совхоз халқ контроли группаси ишини муҳокама қилган Китоб район халқ контроли комитети бу ибратли тажрибани ижобий баҳолади.

БЎСТОНЛИК

● **Текширишда маълум бўлдики, райондаги 271-хунар-техника билим юртида кейинги уч йил мобайнида кундузги бўлимга ўқувчилар қабул қилиш топшириғи барбод берилмоқда.** Ўқув кабинетлари, синф ва лабораториялар етишмайди. Техникани аввалаб-асраш масаласига панжа орасидан қаралмоқда. Тракторларнинг айрим қисмлари тез ишдан чиқаётир. Молия ишларини юритишда ҳам қонунга хилоф ишлар рўй бераётир.

Район халқ контроли комитети йўл қўйилган ана шу камчилик ва нуқсонлар учун билим юрти директори Ҳ. Тошменов, бош бухгалтери Н. Сомонов ва билим юрти филиалининг мудири А. Жаҳонов ўртоқларни тегишлича жазолади.

ИБРАТ

Ёзёвон районидаги «Правда» совхози меҳнаткашлари йил сайин пахтачиликни ривожлантиришда катта муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Бунда актив фаолият кўрсатаётган халқ назоратчиларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта. Улар фаол иш олиб бориш орқали план ва топшириқларнинг ортиғи билан адо этилишига муносиб замин яратмоқдалар. Жумладан, сўнгги бир йил мобайнида минерал ўғитларнинг қандай сақланаётганлиги, чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалик экинларининг парвариши, техникадан самарали фойдаланиш масалалари бўйича ўтказилган текшириш ва рейдлар бўйича айбдор шахслардан 1211 сўм зарар ундириб олинди.

Халқ назоратчиларидан Маҳмуджон Мўйдинов, Азимжон Сатторов, Азизахон Тожибоева, Набижон Мўминовлар жамоатчилик фаолиятини сидқидилдан адо этиш билан бирга хизмат вазифаларини бажаришда ҳам ҳамкасбларига намуна бўлмоқдалар.

А. МАДРАҲИМОВ.
Фарғона области.

Вобкент районидаги Калинин номли колхоз халқ мулки посбонлари 1984 йил мўл ҳосилга кўрилаётган ҳозирлик ишларини фаол назорат этмоқдалар. Суратда: хўжалик партия ташкилотининг секретари Юсуф Ражабов ва халқ контроли группаси аъзоси Тоштемир Боймуродовлар шудгорлашнинг сифатини кўздан кечиришмоқда. Ўнгдаги суратда: хўжалиннинг пешқадам механизатори Шавкат Раззоқов.

Т. Горяев фотолари.

Назорат почтасидан

ҲИССА

«Эскиангарканалстрой» трестининг Яккабоғ кўчма механизациялашган колоннаси халқ назоратчилари бинокорларнинг иш унумини ошириш, давлат планларининг бажарилишига эришишда партия ташкилоти ва маъмуриятга яқиндан туриб ёрдам кўрсатмоқдалар. Халқ мулки посбонлари кейинги бир йилда иш планига муваффақ 20 дан ортиқ рейд ва текширишлар ташкил этдилар. 82-89 КФЖ номерли юк машинаси шофери С. Ғурдиевга бажарилмаган иш учун ёзиб берилган иш ҳақи айбдордан ундириб олинганлиги, механизаторлардан Х. Бойтўраев ва С. Турдиевлар прогул қилганликлари ва ишдаги қўнимсизликлари учун тегишлича жазоланганликлари, колонна мастери Э. Сафаров ишни ташкил этишдаги эътиборсизлиги учун вазифасидан бўшатилганлиги улар фаолиятининг айрим натижаларидир.

Колонна назоратчиларидан И. Авазов, Х. Бектошев, Б. Қўзиев, Б. Хидиров, С. Олимовлар ўн биринчи беш йиллик учинчи йили планини асосий кўрсаткичлар бўйича ортиғи билан адо этиб, янги йилда қурилиш-монтаж, тупроқ ва бетон ишлари, ерларни текислаш, янги ер ўзлаштириб қишлоқ хўжалик оборотига киритиш каби ишлар суръатини тобора ошириб бораётган колонна коллективи муваффақиятларига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ҳ. ҚУҚОНОВ,
Яккабоғ район «Авангард» газетаси ходими.

ТАЪМИНОТ — МУҲИМ МАСАЛА

Бахмал район халқ контроли комитети кўпсонли назоратчилар фаолиятини шу куннинг энг муҳим масалаларига йўналтириш, текшириш ва рейдларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор бермоқда. Комитетнинг куни кеча бўлиб ўтган мажлисида тайёрлов идораси ходимларининг меҳнаткашларга қиш фаслида мева, сабзавот, картошка ва бошқа маҳсулотлар етказиб беришдаги фаолияти муҳокама этилди. Текшириш тайёрлов идораси гарчанд планлаштирилган маҳсулотларни тайёрлаш ва жамғариш билан изчил шуғулланган бўлса-да, уни меҳнаткашларга етказиб беришда тартибли иш юритилмаётганини кўрсатди. Гоҳо дўконларга сабзавот ва мевалар уйиб ташлангани ҳолда баъзан ушбу маҳсулотлар анқонинг уруғига айланиб қолмоқда. Устига-устак идора омборларида зарур инвентарь ва техника воситалари етишмайди. Вентиляторлар ўрнатилмаган. Ремонт ишлари қўл учида бажарилганлиги сабабли баъзи биноларнинг томидан чакка ўтиб ётибди.

Район халқ контроли комитети мавжуд аҳвол учун айбдор кишиларни тегишлича жазолаб, идора фаолияти устидан назоратни кучайтириш тадбирларини белгилади.

А. АЛПОМИШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбирлар пости аъзоси.

ЗИЙРАКЛИК БИЛАН

Наманган шаҳар ёқилғи базасининг тажрибали мутахассис Л. С. Григорьянц раислик қилаётган халқ контроли группаси аъзолари ишни ташкил этишдан тартиб буюртмаларнинг ўз муддатида, аниқ ижро этилишигача бўлган барча жараёнларни зийраклик билан назорат қилиб бормоқдалар. Барча участкаларда меҳнат ва план интизомига риоя этилиб, ҳар куни 150-160 тонна ёқилғи реализация қилинишига эришилмоқда. База коллективи сўнгги бир йил мобайнида план топшириқларини муваффақиятли бажарганлиги учун бир неча бор мукофотланди.

А. ҚОРАБОЕВ.

РАССОМ ХАНДАСИ

«ДОВРУҚ»

Довруқ қозонган кишилар, корхона, муассаса ва коллективлар ҳақида кўп эшитганмиз. Ҳалол меҳнат, ахлоқий поклик, юксак интизом ва уюшқоқлик, кишиларнинг ҳурматини ошириб, обрў-эътиборли қилиши ҳаммамизга маълум. Аммо Жиззах шаҳридаги 20-автобус парки раҳбарлари довруқ қозонишнинг тамомила янгича йўлидан боришяпти. Автобазада тартибсизлик авжига минган, ишдаги лоқайдлик план топшириқларининг бажарилишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Қатнов йўналишларига зарур миқдорда автобус чиқарилмайди, ҳаракат графиги бузилганн-бузилган. Текшириш ўтказган халқ назоратчилари айрим шоферлар йўловчилардан тушган пулларга кўз олайтираётганликлари, баъзан давлат мулкига хиёнат қилиш ҳоллари рўй бераётганлигини аниқладилар.

Шаҳардаги такси паркида ҳам аҳвол бундан қолишмайди. Баъзи шоферлар кўрсатилган хизмат учун белгиланганидан кўпроқ ҳақ олмоқдалар.

Ҳар икки автобаза раҳбарлари бу «довруқ» доғидан қутулиш учун қачон таъсирчан чора-тадбирлар амалга оширишар экан!

О. ҲАБИБОВ.
Жиззах области.

— Шу билан учинчи марта машинангизга тушишим. Ҳар гал қайтимини бермайсиз?
— Э, кечирасиз, танимабман...

●

ИШ ДЕСА...

Урганч шаҳридаги 21-қурилиш трестининг бинокорлик конструкциялари комбинати раҳбарлари, айниқса, унинг директори Ш. Курязов ниҳоятда одамохун, ширин муомалали кишилар. Уларнинг қабулига кирсангиз, илтифот кўрсатиб, ўқазгани жой топишмайди. Фикрингизни диққат билан эшитиб, таклиф ва мулоҳазаларингизга катта қизиқиш билан қарашади.

Аммо сўз ва иш бирлиги таъминланмагач, қийин экан. Корхона фаолиятига назар ташласангиз, уларнинг тили бошқа-ю, дили бошқалиги бу ерда талабчанлик ва принципиаллик қарор топмаганлиги маълум бўлади. Натижада иш кўрсаткичлари паст бўлиб қолмоқда. Ўтган йили прогул қилишнинг кўплигидан ҳар куни ўртача бир киши-куни беҳудага йўқотилди. Меҳнат унумдорлиги ўсмаётганлигидан план топшириқлари бажарилмай қолмоқда. Кадрларнинг қўнимсизлиги ҳақида гапирмай қўя қолайлик.

Бинокорлик конструкциялари комбинати раҳбарлари қуруқ гап билан чекланмай, меҳнат коллективларида ишчанлик муҳити яратиш ҳақида чинакамига қайғурсалар маъқул бўларди.

Ш. САҲОБИДДИНОВ,
Хоразм области.

Иш вақтида ўлда-жўлда қолиб нетаётган ғанимат дақиқалар.

БЕТИМНИНГ ҚАЛИНИ...

Чуст районидаги чорвачилик фермалари ва комплексларида иш жараёнларини механизациялашнинг аҳволи қандай! Ана шу йўналиш бўйича район халқ контроли комитети текширишида қатнашган халқ назоратчилари кутилмаган манзараларнинг гувоҳи бўлдилар. Текшириш айрим колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари бу масалага масъулиятсизлик билан қараётганликларини кўрсатди.

Бунга биринчи навбатда Ленин номли колхозни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Хўжаликда озуқани майдалаб берадиган механизм ва макажўхори ўриш комбайнининг носоз аҳволда қантариб қўйилганига анча вақт бўлган. «Ленинград» колхозида эса фойдаланиш учун тайёрланган 50 та суғориш механизмининг 40 тасидан умуман фойдаланилмаётир. Ушбу хўжаликда АД-120 сут соғиш аппарати номигагина ўрнатилган бўлиб, сигирлар қўлда соғилмоқда. Карл Маркс номли, «Москва» Калинин номли, «Биринчи Май» колхозларида ҳам шу каби нуқсонлар содир бўлаётир. Кишини таажжублантирадиган жойи шуки, чорвачилик фермаларига техника хизмати кўрсатиш станцияси ходимлари «Бетимнинг қалини — жонимнинг ҳузури» қабилида қарамоқдалар.

Чуст районида чорвачиликка мутасадди бўлган ўртоқлар меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини арзонлаштиришнинг муҳим воситаси бўлган машина ва механизмлардан самарали фойдаланилишини астойдил таъминлашлари лозим.

К. ҚУЛҚОДИРОВ,
Наманган области.

Ола сигир: Қани ниложини қила олсан, ўзимиз олиб ишлатардик.

Рассом **А. Ҳолиқов.**

ЛЕНИНГРАД ДУШМАН ҚАМАЛИДАН ОЗОД ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА

СЎНМАС ЖАСОРАТ

БЎЙСУНМАГАН ШАҲАР

Бундан 40 йил муқаддам Ленинград ва Волхов фронти қўшинлари Қизил Байроқли Болтиқ флоти билан ҳамкорликда Нева бўйидаги шаҳар қамалини ёриб ўтишган эди. Ленинград учун бўлган жанглар Улуғ Ватан урушининг энг шиддатли жангларидан бири бўлган эди.

Социалистик революция бешигини 900 кеча-кундуз фашист қўшинлари қамал қилдилар. Улар 1941 йил 8 сентябрда Ленинградни қуруқликдан батамом ўраб олдилар. Қамал ҳолатида қолган Ленинград билан алоқа фақат Ладога кўли ва ҳаводангина олиб борилди.

Ленинградликлар оғир синовдан ўтдилар. Очлик, совуқ қийнаг, тинимсиз ўқ ёмғири ёғар, кетма-кет бомбалар портларди. Бу уларнинг иродасини буколмади. Лекин Ленинграддаги аҳвол кун сайин оғирлашарди. 1941 йилнинг 20 ноябрларида озиқ-овқат запаслари тугаб қолди.

Бошқа фронтларда аҳвол оғирлигига қарамасдан ленинградликлар албатта нажот кўчлари келишига катта умид боғлардилар. Қамалда қолган шаҳарга Ладога кўли орқали кемалар ва ҳарбий автомобилларда озиқ-овқат, кийим-кечак келтира бошлашди.

Урушнинг дастлабки кунларида Ҳарбий-Денгиз Флоти халқ комиссари адмирал Н. Г. Кузнецовнинг буйруғига биноан Ладога кўлидаги кемалар Ладога ҳарбий флотилиясига ёрдамга келди. Ладога флотилияси зиммасига катта вазифа юкланди. Ленинградни озиқ-овқат, ҳарбий техника, қурол-яроғ билан таъминлаш, минглаб болалар, кексалар, ярадор жангчиларни эвакуация қилиш улар зиммасига тушди. Бир вақтнинг ўзида флотилия Ленинград — Волхов фронтлари билан ҳамкорликда ҳаракат қиларди. Юклар Осиновец — Новая Ладога йўли орқали ташиларди. Бу йўл деярли 150 километрга чўзилган бўлиб, яхши синалган эди.

Кемаларнинг бир қисми жанговар вазифа билан банд бўлса ҳам, Ленинградга кўл орқали юк ташиш кун сайин кўпаймоқда эди. Бу ерга асосан ун ва буғдой келтириларди. Шу йили қиш қаттиқ келди. 20 ноябрга келиб, аҳвол яна оғирлашди. Нон билан таъминлаш кескин камайди.

Декабрь ойида Ленинградни озиқ-овқат билан таъминлаш бирмунча яхшиланди. Ленинградликларнинг руҳи анча кўтарилди. Душман устидан ғалабага бўлган ишончлари мустаҳкамланди.

«Ҳаёт йўли» ленинградликларни озиқ-овқат билан таъминлашни анча енгиллаштирди. 67 минг тоннага яқин озиқ-овқат запаси тўпланди.

Денгиз учувчилари зиммасида «Ҳаёт йўли»ни ва кемаларни душманнинг ҳаво ҳужумидан сақлашдек масъулиятли вазифа турарди. Душман мунтазам, кечаю кундуз бомбардимон қилиб туриши флотилиянинг шахсий составига бир дақиқа ҳам тинчлик бермасди.

Май ойида Ладогага алоҳида денгиз авиация группаси ёрдамга келди. Бизнинг экипажимиз ўч кишидан иборат эди. Полкимиз ҳам алоҳида денгиз авиация группаси каби Ладога кўлида актив жанговар ҳаракат қила бошлади.

Бизнинг экипаж ҳавога биринчилардан бўлиб кўтарилиб, рақиб базаларини суратга олиб қайтар, душманнинг ҳаво ҳужумига қарши курашда фаол қатнашарди. Кейинчалик бизнинг алоҳида денгиз авиация группамиз шимолий фронтга юборилди.

Ленинград қўшинлари ва Волхов фронти қўшинлари Ленинград қамалини ёриб ўтганларидан сўнг Ладога кўли ва фронт линияси ўртасида 8—11 километрли йўлка ҳосил бўлди. Ана шу йўлка орқали 17 кеча кундуз мобайнида темир ва автомобиль йўли барпо этилди. Шаҳарга юк ортилган поездлар ва юк автомашиналари кириб кела бошлади. Немис-фашист босқинчиларининг Ленинградни босиб олиш тўғрисидаги хом хаёллари пучга чиқди.

Шаҳарда аҳвол бирмунча яхшиланди. Аммо, душман хавфи ҳали тугамаган эди. Фронт чизиғи Ленинграддан унча узоқда эмас эди. Шунинг учун шаҳарга душман снаряд ва бомбалари тушиб турарди.

1944 йил бошида Ленинградни душман қамалидан батамом озод қилиш учун қулай вазият вужудга келди. 1944 йил 14 январь куни Ленинград фронти қўшинлари икки йўналишда қарши ҳужумга ўтдилар. 1944 йил 27 январь куни радио орқали хушхабар таркалди:

— Ленинград душман қамалидан батамом озод қилинди. 900 кеча-кундуз давом этган қамалга барҳам берилди. Ватан немис-фашист босқинчиларини Ленинград остоналарида тор-мор қилган шонли қўшинларимиз шарафига салют берди. Қаҳрамон шаҳар Ленинграднинг ўлмас жасорати совет кишилари қалбида абадий яшайди.

Барча совет кишилари қатори Ленинград ҳимоясида ўзбекистонликлар ҳам зўр мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. 239-ўқчи дивизия составида жанг қилган Рустам Исроилов, Карл Чугунов, Карим Раҳимов, Оттел Рўзиев, Рустам Сиддиқов, Жабборқул Ғаниев, Зайниддин Оқилов, Гулбой Нормаҳмов, Ғулом Ғойипов ва бошқалар ана шулар жумласидандир.

Фарғоналик катта сержант Рустам Сиддиқов Горький қишлоғи районида душман бошлаган қарши ҳужумни қайтаришда алоҳида мардлик ва жасорат кўрсатди. У душман траншеясига биринчилардан бўлиб бостириб кириб, 3 гитлерчини ер тишлатди. Жасур ўзбек ўғлонининг бу жасорати мўносиб тақдирланди. Унинг кўксини «Жасурлиги учун» медали безади.

Деновлик Гулбой Нормаҳмов Ленинград — Гатчино темир йўл участкасида зўр мардлик кўрсатди. Жасур жангчи Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланди. Иштихонлик Берди Эшқулов эса ўз взводи билан душманнинг бир неча қарши ҳужумини қайтариб, фашистларга катта талафот етказганлиги учун «Шуҳрат» ордени билан мукофотланди...

Бугун Ленинград қамали бутунлай тугатилганлигининг 40 йиллигини нишонлар эканмиз, ана шу жангу жадалларда матонат ва жасорат кўрсатган жангчиларни эслаймиз, Ватанимиз озодлиги йўлида қурбон бўлган қуролдошларимиз хотираси олдида бош эгамиз.

Ҳ. САРИМСОҚОВ,
М. САМАДОВ,
Улуғ Ватан уруши иштирокчилари.



Совет халқларининг бузилмас дўстлиги Улуғ Ватан уруши йилларида, айниқса, яққол намоён бўлди.

Инқилоб бешиги — Ленинград шаҳрини озод этишда кўпмиллатли халқларимизнинг жасорати сўнмасдир. Ленинграднинг қимоячилари ҳар қандай оғир шароитда ҳам душманга қарши мардона курашдилар. Шаҳарнинг илгари Урта Рогатка деб аталган қисмида ҳозир шаҳар ҳимоячилари шарафига улуғвор монумент қад ростлаб турибди. Худди шу ердан кўнгилли лашкарлар 1941 йилнинг ёз ва куз ойларида курашга отланишган бўлса, 1944 йилнинг унутилмас январь кунларида Ленинград фронти қўшинлари ўзларининг ғолибона юришларини бошлашди ва зафар қучишди.

Ленинград шаҳри тарихида ўчмас саҳифалар жуда кўп. Эълон қилинаётган суратларда ана шу саҳифалар яна бир карра кўз олдингизда намоён бўлади. Суратларда: 1. «Ҳаёт йўли» — 1943 йил. (Ҳарбий мухбир Р. Мазелев суратидан репродукция). 2. Урта Рогаткада танкларга қарши ўрнатилган тўсиқлар. (1941 йил, ЛенТАСС ҳарбий фотомухбири Г. Коновалов суратидан репродукция). 3. Ленинград блокадаси қамали ҳаётига бағишланган стендлардан бири.

ТАСС фотохроникаси.





МЕРГАНЛАР

Қаҳратон қиш. Ленинград қамалда. Революция бешиги хавф остида. Ленинградликлар мана шундай оғир шароитда ҳам жонажон шаҳарлари мудофааси учун ҳеч нарсани аямай жанг қилдилар.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган тошкентлик Баширулло Раҳматуллаев ҳам улуғ Ленин шаҳри учун бўлган жангларда жасорат кўрсатиб, «Жанговар хизматлари учун» медали билан тақдирланган.

У 2-зарбдор армиянинг 105-ўқчи дивизиясида мерган эди. Дивизия Новгороддан Синявино қишлоғига жанг билан кириб келди. Душман қишлоқни қўлдан бермаслик учун жон-жаҳди билан ҳаракат қиларди. Синявино тепалиги 8 марта қўлдан қўлга ўтиб, ҳар икки томон кўп талафот кўрди.

Мерганларимиз учун жуда муҳим жанговар вазифани бажариш лозим бўлиб қолди. Улар душман команда, штаб кузатув пунктлари офицерларини нишонга олиб, йўқ қилиш ва яна «тил» топиб келишлари зарур эди. Раҳматуллаев бу жанговар вазифани бажариш учун ўзи командирлик қилаётган мерганлар взводи жангчиларини тўплади.

— Ҳозир Синявино тепалигини олиш учун яна ҳужум бошланади, — деди у. — Аввал ўқчилар билан бирга жанг қиламиз. Сўнгра душман команда пунктлари, штабларини топиб, офицерларни йўқ қиламиз.

Ҳужум бошланди. Қулай жойларга ўрнашиб олган мерганлар ўнлаб фашистларни ер тишлатиб, сўнгра окоплардан ўқ узаётган душман мерганларини қулата бошладилар. Қарши томондан ўқ ёмғири ёғилаётгани сабабли ўқчиларимиз қаддиларини кўтара олмасдилар. Миномётлар, танклардан ва ҳаводан ёғиб турган ажал ўқлари ҳам жангчиларимизни орқага қайтара олмади.

Мана шундай оғир аҳволда Раҳматуллаев командирлик қилаётган мерганлар взводи ўрмон ичидаги юриш амри-маҳол бўлган ботқоқлик йўлдан душман орқасига ўтиб олди.

Александр Добриянов, Николай Калнашиков, Илья Королятин, Федор Богословский, Гурий Иванов, Виктор Михайлов, Виктор Кононов, Сергей Дульнев, Василий Ябричанский, Масис Отажоновлардан иборат мерганлар взводи тун қоронғисида немис штабини кўп вақт ахтардилар. Ниҳоят тўпланиб турган машиналар томон йўл олдилар ва ўрмон орасида жойлашган штабни топдилар. Мерганлар дарахтлар тепасига, шох-шаббалар орасига яшириниб, штабга кириб-чиқаётган офицерларни бирма-бир мўлжалга ола бошладилар. Бу воқеадан хабар топган фашистлар ўз автоматчилари ва мерганларини зудлик билан Синявино тепалигига жўнатдилар. Улар совет жангчилари Синявино тепалигидан ўт очяпти, деб ўйлаган эдилар. Бу эса бизнинг мерганлар учун жуда қўл келди. Улар ботқоққа ботиб келаётган душман солдатларини бир четдан қийрата бошладилар. Кўп вақт ўтмай немис қўмондонлиги Синявино тепалигига яна бир қанча автоматчиларини жўнатди. Улар ҳам мерганларимизнинг ўқидан ер тишладилар.

Беш-олти кун орасида махсус топшириқни аъло даражада адо этган Раҳматуллаев бошлиқ мерганлар взводи жангчилари ҳукумат орден ва медалларига тавсия этилди.

Ленинград шаҳри 900 кунлик қамалдан қутулишига жуда оз вақт қолган эди. Мерганларимизга Шлиссельбург қишлоғи учун бўладиган жангларда яна бир махсус топшириқни бажариш топшириларди. Улар Павловкада ўрнашиб олган душман офицерларини ўққа тутиб, навбатдаги жанговар топшириқни ҳам аъло даражада бажардилар. Ниҳоят 1944 йил январида Волхов фронти билан Ленинград фронти жангчилари қамални ёриб ўтиб, бир-бирлари билан учрашдилар. Мана шу куни Совет Армияси немис-фашистлари устидан яна бир катта ғалаба қозонди.

Ленинград ҳимоячиларидан бири Б. Раҳматуллаев ҳозир 70 ёшга бориб қолди. Ў ҳамон сергак, кексалик гаштини суриб, бахтли яшамоқда.

Р. ИСҲОҚОВ,
Улуғ Ватан уруши иштирокчиси.

ЯНГИЛИКЛАР 84

ШИНАМ УЙ-ЖОЙЛАР

ФАРҒОНА. Бувайда районининг қўрғидаги Дзержинский номли пахтачилик совхози ободонлашмоқда.

Бу ерда уй-жойлар ва маданий-маиший объектлар ишга туширилмоқда. Бу ишларни «Узколхозстрой»нинг Фарғона қурилиш трестига қарашли 29-колхозлараро механизацилашган кўчма колоннаси коллективи амалга оширмоқда.

Ўтган йили колхоз бунёдкорлари бу ерда 200 бош қорамолга мўлжалланган молхона, 20 га яқин уй-жой биноси ва бошқа қатор ишлаб чиқариш объектларини қуриб беришган эди.

Бинокорлар яна 12 та уйни муддатидан илгари қуриб, фойдаланишга топширишга аҳд қилишган.

ОБОД ПОСЕЛКА

ҚҚАССР. Тўрткўл районидаги Димитров номли колхозининг марказий посёлкаси — Шўрохон қишлоғи йил сайин шаҳар тусини олмоқда.

Ўтган ўн йил мобайнида шўрохонлик 1000 га яқин оила шаҳар типидаги обод посёлкада ҳовли тўйлари ўтказди. Хонадонлар газлаштирилган, коммунал хизмати, телефон алоқаси яхши йўлга қўйилган. Амбулатория, 4 та медпункт, маиший хизмат ва маданият уйлари, болалар комбинати, сартарошхона, новвойхона ва чойхона бинолари ҳам қишлоққа кўрк бағишлаб турибди.

Бунёдкорлик ишларини «Каракалпакресколхозстрой» трестига қарашли Тўрткўл колхозлараро механизацилашган кўчма колоннаси коллективи амалга оширмоқда.

ЎҚУВЧИЛАРГА СОВҒА

Яқинда Ғурлан районидаги «Коммунизм» колхозида 1.176 ўқувчига мўлжалланган замонавий мактаб биноси ишга туширилди.

Кенг ва ёруғ ўқув корпуслари, спорт зали, мерганлик тири, комплекс футбол майдончаси, парник хўжалиги ёшлар ихтиёрида. Мактабда ўқув ишларини кабинет системасида олиб бориш кўзда тутилган.

Бу мактаб биносини «Узколхозстрой»нинг Хоразм область қурилиш трестига қарашли Ғурлан колхозлараро механизацилашган кўчма колоннаси бинокорлари барпо этдилар.

А. ЗОКИРОВ.

БУЮРТМА БИЛАН МАҲСУЛОТ

Қўйлиқдаги тажриба ремонт механика заводида тайёрланган гидропрессдан ўнтаси корхонанинг доимий буюртмачилари — Болгария билан Монголияга жўнатилди. Завод йил бошидан бери ўнга яқин хорижий мамлакатга етмишдан зиёд гидропресс етказиб берди. Чет эл буюртмачиларига яна 50 гидропресс жўнатилади. Завод коллективи айни пайтда Куба ва Германия Демократик Республикаларининг буюртмаларини бажаряпти.

А. ТОЛИПОВ.

ЎТМИШ САДОЛАРИ

ЁДГОРЛИКЛАРНИНГ ИККИНЧИ УМРИ

Термиз республикамиздаги қадимий шаҳарлардан бири бўлиб, у эрамиздан олдинги учинчи асрда Амударёнинг ўнг соҳилида ташкил топган.

Қадимий ва ўрта асрлар маданиятининг кўплаб ёдгорликларини ўзида жамул-жам қилган Қоратепадан қазиб топилган буддийлар ибодатхонаси, айниқса диққатга сазовордир. Бу ерда мачит харобалари, тош ҳайкаллар, бир неча девор ёзувлари, бошқа кўплаб қизиқарли ва ноёб ёдгорликлар бор. Бундан ташқари, қадимий Термиз ҳукмдорларининг шаҳардан ташқаридаги «Қирқ қиз» саройи, Ҳаким ал Термизий мақбараси, Султон-Саодат ёдгорлиги ҳам жуда катта тарихий аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам қадимий Термиз шаҳри қўриқхона деб эълон қилинган ва у ЮНЕСКОнинг ҳисобида туради.

Областда тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш ишига эътибор кучайтирилмоқда. Ҳозирги вақтда 14 та архитектура ёдгорлиги ҳисобга олинган. Уларнинг ҳар бирига оталиқ қилувчи мактаблар, корхона ва ташкилотлар бириктириб қўйилган. Кейинги йилларда Ҳаким ал Термизий мақбара ансамбли қайта ремонт қилиниб, асл ҳолатига келтирилди, тўла таъмирланди. Бу ишларни самарқандлик таъмирчилар маҳаллий бинокор усталар билан биргаликда амалга оширдилар. Бу хайрли ишларни ташкил этиш, бошқариш борасида ёдгорликларни сақлаш шаҳар жамияти совети ходимлари ва халқ депутатлари Термиз шаҳар Совети ижроия комитети ишлари, айниқса диққатга сазовордир.

Фақат ўтган йилнинг ўзида аҳоли ўртасида тарихий ва маданий ёдгорликларнинг аҳамияти ҳақида 80 дан ортиқ лекция ва докладлар ўқилди.

Ёдгорликларни асраш шаҳар жамиятининг совети, кўнгиллилар жамияти, туризм ва экскурсиялар бюроси ходимлари тарихий ва маданий ёдгорликларга экскурсиялар уюштираётирлар. Халқимиз тарихи ва маданиятини асрлар оша олиб келаётган ёдгорликларни авайлаб асраш борасида ҳам бир қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СПОРТ

БАСКЕТБОЛ:

МЕДАЛЛАР УЧУН КУРАШ

Каунас шаҳрида эркаклар олий лига командалари ўртасида мамлакат чемпионатининг навбатдаги тур ўйинлари бошланди. Бу ерда кучли олти команда чемпионат медалларига ўз ўрнини курашиб, мавкеини мустаҳкамламоқда. Тошкентнинг «Университет» командаси дастлабки учрашувни мамлакат чемпиони — ЦСКА коллективи билан ўтказди. Учрашув 74:102 ҳисобида тугади. Ҳозир Каунаснинг «Жальгирис» командаси тўқиз очко билан пешқадамлик қилмоқда. Баскетболчиларимиз учта очко билан бешинчи ўринни эгаллаб туришибди.

СУВ ТЎПИ:

КУЧЛИЛАР САРАЛАНДИ

Киев ва Тошкент шаҳарларида олий лига командалари ўртасида мамлакат чемпионатининг биринчи давра ўйинларига якун ясалди. Тошкентнинг «Меҳнат» командаси ватерполчилари ўз майдонларида учта учрашув ўтказишди. Вакилларимиз Москва давлат университети коллективига ютқазиб, пойтахт торпедочилари ва Тбилиси динамочилари билан ўйинни дуранг қилишди. Биринчи давра ўйинларидан кейин сараланган кучли олти команда Москвада, тошкентлик спортчилар эса Тбилисида учрашувларни давом эттирадилар. Ватерполчиларимиз 7-12 ўринлар учун курашадиган бўлдилар.

БАҲСЛАР ВА ҒОЛИБЛАР

● **ХОККЕЙ. Тошкентнинг «Бинокор» командаси навбатдаги учрашувни Қозон шаҳрида Урицкий номли спорт клуби хоккейчилари билан ўтказиб (2:9, 1:9), имкониятни бой берди.**

● **ФИГУРАЛИ УЧИШ. Ростов-Дон шаҳрида ўсмирлар ўртасида СССР кубоги учун ўтказилган мусобақада тошкентлик И. Шишова билан А. Сулаймоновлар жуфт бўлиб баҳслашиш бўйича тўртинчи ўринни эгаллашди.**

Редактор ўринбосари
А. НАБИХЎЖАЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ЙЎЛДОШ ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кафедра доцентлари: электротехника, экономика ва енгил саноатни ташкил этиш, инженерлик графикаси (кечки-сиртқи бўлим);

кафедра ассистенти: ҳисоблаш математикаси.

МАРҒИЛОН УМУМИЙ ТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ БЎЙИЧА

Кафедра доцентлари: материаллар қаршилиги, тўқимачилик материалшунослиги;

кафедра катта ўқитувчиси: олий математика.

кафедра ассистентлари: тўқимачилик материалшунослиги, машина ва механизмлар назарияси.

КОНКУРС МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Горбунов кўчаси, 5-уй, 10-хона.

●

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

8 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.00 ДА

ЭРКИН КУРАШ

АҚШ—СССР ТЕРМА КОМАНДАЛАРИ ЎРТАСИДА

ХАЛҚАРО УЧРАШУВ

Учрашувда Олимпиада ўйинлари, Жаҳон ва Европа чемпионлари қатнашадилар:

Дейв Шульц, Ли Кэмп, Крис Кэмбэлл (АҚШ);

А. Хадарцев, А. Фадзаев, М. Хадарцев, А. Белоглазов, Т. Дзгоев (СССР).

Билетлар «Юбилей» Марказий спорт зали кассаларида сотилади.

КАССАЛАР 1 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ ҲАР КУНИ СОАТ 10 ДАН 19.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

46-03-12, 46-07-53, 46-07-31, 46-68-77 телефонлари орқали справкалар олиш мумкин.

●

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг

ТЕПЛОФИЗИКА БЎЛИМИ

лабораториялар бўйича

ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Катта илмий ходим (фан кандидати); энергияни бошқа тур энергияга айлантириш;

кичик илмий ходим: фаза кўчиши ва хавфли ҳодисалар иссиқлик физикаси.

КОНКУРС МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ ИККИ ҲАФТА.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700100, Тошкент шаҳри, Краснодон проезди, 10-уй. Телефон 55-42-18.

●

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/I да **Ғийбат**, 28/I да **Қиёмат қарз**, 29/I да **Шошма қуёш.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 27/I да **Тошболта ошиқ** (16.00 ва 19.30 да), 28/I да **Мангулин.**

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректорати, партия бюроси ва коллективи институт ректори, умумий гигиена кафедрасининг мудири, хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор

Қаюм Собирович ЗОИРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Биохимия институти коллективи институт ходими Б. Р. Зайнутдиновга отаси

Равил ЗАЙНУТДИНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

27 ЯНВАРЬ, ЖУМА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Оддий мўъжизалар. 10.00 — Қамал. Бадиий фильм. 2-қисм. 11.45 — Болалар учун концерт. 12.35 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.25 — Концерт. 16.50 — Шахмат мактаби. 17.20 — Концерт. 17.45 — Маугли. 18.45 — Фан ва турмуш. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Р. Леденёв. Элегик секстет. 19.50 — КПСС Марказий Комитетининг мактабни ислоҳ қилиш тўғрисида ги лойиҳасини муҳокама қиламиз. 20.25 — Қамал. Бадиий фильм 2-қисм. 21.30 — Время. 22.05 — Москвичка. 23. 35 — Дунё воқеалари. 23.50 — Н. Некрасов. Турли йиллар шеърлари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 — Тарих. 10.05 ва 13.40 — Инглиз тили. 11.05 — Астрономия. 11.35 ва 12.40 — География. 12.05 — Д. Дефо ва унинг «Робинзон Крузо» китоби. 13.10 — Тарих. 14.10 — Бил ва уддала. 14.55 — В. Гаршин ҳақида хотиралар. — 15.55 — Давлат ишлари — халқ ишлари. 16.25 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Ҳиндистон санъати 19.30 — Саёҳатчилар клуби. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.50 — Баскетбол. СССР чемпионати. Жальгирис (Каунас) — Строитель (Киев). 21.30 — Время. 22.05 — Турнахон. Бадиий фильм. 23.25 — Опера саҳнаси усталари.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Умрбоқий муҳаббат. Спектакль. 13.45 — Касблар ҳақида ҳикоялар. 14.15 — Замандас. 15.05 ва 18.00 — Янгиликлар. 18.10 — Фильм-концерт. 18.35 — Халқ хўжалигини бошқариш ва планлаштиришда кибернетиканинг роли. 19.05 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Инсон ва қонун. 20.20 — Мультфильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Виринея. Бадиий фильм. 23.55 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.30 — Москва-II. 18.15 — Телефильм. 18.35 — Рус тили. 19.05 — Ленинградлигимча қоламан. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Китоб дўстлари. 20.50 — Совет Иттифоқи шаҳарлари. 21.30 — Москва-II.

28 ЯНВАРЬ, ШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — АБВГДейка. 10.35 — Спортлото. 10.45 — Қамал. Бадиий фильм. 2-қисм. 11.50 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 12.20 — Фильм-концерт. 13.05 — Ҳужжатли фильм. 13.35 — Дунё воқеалари. 13.50 — Концерт. 14.05 — Ўсимликлар дунёси. 14.50 — Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати. 15.25 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 16.25 — Бокс. Халқаро учрашув. СССР—АҚШ. 17.55 — Ҳамдўстлик. 18.25 — Мультфильмлар. 18.55 — 9-студия. 19.55 — 1983 йил қўшиқлари. 21.30 — Время. 22.05 — 1983 йил қўшиқлари (давоми). 23.20 — Ҳужжатли фильм. 23.40 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Агар соғлом бўлай десанг. 9.30 — Ҳужжатли фильм. 9.55 — Тонгги почта. 10.25 — НОВОСИБИРСК ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 11.40 — А. Бабажаняннинг эстрада асарлари. 12.15 — Қирмизи ўрмонзор. Телеспектакль. 13.40 — Стадион ҳамма учун. 14.10 — Музикали киоск. 14.40 — Артиллерия маршали К. П. Казаков билан учрашув. 15.25 — Концерт. 16.25 — Жаҳон киноси усталари. 17.55 — Концерт. 19.55 — Ҳужжатли фильм. 20.15 — Халқаро обзор 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Здоровье. 21.30 — Время. 22.05 — Театр. Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Телеминиатюралар театри. 10.55 — Ҳовлимиздаги стадион. 11.25 — Студентлар саҳнасида. 12.45 — Депутатликка номзодлар ҳақида ҳикоялар. 13.00 — Инсон ва табиат. 13.30 — Светофор. 14.30 — Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак. 17.00 — Дўстлик экрани. 18.00 — Қўғирчоқ фильмлар. 18.30 — Болалар учун концерт. 19.00 — Анъаналар ва замонавийлик. 19.30— Ахборот. 19.45 — Цирк. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Баҳс. 23.05 — Ҳужжатли фильм.

Тожикистон телевиденисининг программаси

РАДИО

27 ЯНВАРЬ, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Тинчлик — бу халқлар истаги. Концерт. 9.30 — Ғолиблар. 11.15 — Чолғу куйлари. 12.10 — Узбекистан индустриальний. 13.00 — Чорвадор. 14.00 — Ремонт устахоналарида. 19.25 — Ешлик. 21.00 — Қишлоқ меҳнаткашларининг талабларига биноан концерт. 22.30 — Уфқлар парвозга чорлайди. Ёзувчи Ў. Умарбековнинг ижодий портрети.

БИЗНИНГ АДРЕС:
700000, Тошкент-П.
Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16. 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Р. 07044. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Қ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. В. — 23. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15